

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/04.06.2021.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 821.512.162.07:821.512.133

АМОНОВА ЗИЛОЛА ҚОДИРОВНА
НАСИМИЙ ИЖОДИНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА ТАЪСИРИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Амонова Зилола Қодировна
Насимий ижодининг ўзбек адабиётига таъсири.....3

Амонова Зилола Кадировна
Влияние творчества Насими на узбекскую литературу.....

Amonova Zilola Qodirovna
The influence of Nasimi`s work on Uzbek literature.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....71

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.DSc/Fil102 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Бухоро давлат университети веб-сайти (www.bdu.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ҳаққулов Иброҳим Чориевич**
Филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Сулаймонов Исроил Исомиддинович**
Филология фанлари доктори, доцент

Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич
Филология фанлари доктори, профессор

Жабборов Нурбой Абдулҳакимович
Филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Урганч давлат университети**

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14; факс: +99865221-27-07, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Д.З.Ражабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори (DSc), доцент

Г. И. Тоирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ғ.Н.Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида олам ҳодисаларини араб ҳарфларининг илоҳийлиги ва муқаддаслигига ишонч асосида талқин қилувчи ҳуруфийликнинг бадий ижоддаги ўрни, шаклланиш тарихи, манбалари, поэтик хусусиятлари, тадрижи, унинг жаҳоний мавқе касб этишида ҳисса қўшган шоирлар маҳорати ҳамиша эътиборли масалалардан бўлган. Айниқса, дунё халқлари поэтик тафаккури тараққиётида, инсоннинг оламга бадий-фалсафий муносабати талқинида, муайян ижодкор эришган эстетик тажрибаларни анъана сифатида миграцияланишувида адабий алоқа ва таъсирнинг ўрнини асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида поэтик анъаналар миграциясининг бадий-эстетик қонуниятларини очишдаги устувор вазифаларни тадқиқ этиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, юксак инсоний ғояларнинг рамзий-тимсолий ифодасини жаҳон адабиёти контекстида қиёсий-типологик ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Ҳуруфийлик талқинининг поэтик тақомилани, ҳар бир даврда уни қуйлаган шоирлар асарларининг диний-ирфоний, маърифий-тарбиявий мазмун-моҳиятини, композицион ва лингвопоэтик хусусиятларини ёритишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Мустақиллик йиллари ўзбек адабиётшунослигида мумтоз манбаларни ўрганиш ва тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, «...халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш долзарбдир»¹. Шу маънода Имодин Насимий ижодининг ўз даврдан бошлаб, то бугунга қадар туркий халқлар адабиётига таъсирини ёритиш шеърятимизнинг ижтимоий-тарихий, ҳаётий-руҳий асосларини, бадий-эстетик қонуниятларини аниқлаш, ҳуруфийлик ғоялари ўзбек фольклорида ҳамда XV-XX аср ўзбек адабиётида акс этган Насимий ижодини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Ўзбек шеърятининг поэтик тараққиётида адабий таъсирнинг ролини, у орқали янги мотив, образ ва бадий санъатларнинг адабиётимизда акс этишини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2010 йил 26 февралдаги ПҚ-1292-сон «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори // «Халқ сўзи». – Тошкент, 2017, 25 май.

академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Жаҳондаги Трейр университети (Германия), Оксфорд университети (Буюк Британия), Калифорния университети (АҚШ), Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Истанбул университети, Анқара университети (Туркия), Техрон университети (Эрон) каби етакчи олий таълим муассасаларида Насимий ижоди ва адабий таъсир масалаларини ўрганишга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида Насимий ҳаёти, ижоди ва адабий таъсир доирасини ўрганиш бўйича қуйидаги илмий натижаларга эришилган: Насимий ҳаёти ва ижоди, фалсафий қарашлари асослаб берилган (Озарбайжон давлат университети), Насимий эътиқод қўйган тариқати, издошлари тадқиқ этилган (Istambul Universiteti, Anqara Universiteti), ижодининг таъсир доираси ва ҳуруфийлик тариқати ўрганилган (Лондон университети, Германия университети), Насимий ижодининг бадиий-эстетик хусусиятлари ёритилган (Санкт-Петербург Шарқ кўлёмалари институти, Москва, Қозон университети. Россия); Насимий ижоди ва фольклор масалалари (Қозон давлат университети, Белград давлат университети, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия); Насимий ижодининг ўзига хос хусусиятлари (Туркманистон); Насимий ижоди моҳияти ва таржималари билан боғлиқ айрим жиҳатлар (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎЗР ФА ҳузуридаги ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти) ёритилган.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.researchgate.net, <http://www.iranicaonline>, <https://www.thefreelibrary.com>, <http://www.visions.az>, <https://en.calameo.com>, <https://vestnikkavkaza.net>, <https://cibg.org.au>, <https://www.commonspace.eu>, <https://www.azernews.az>, <https://amazoniainvestiga>.

Хориж адабиётшунослигида Насимий ижоди, хуруфийлик тариқатининг, хусусан, бадий ижодга таъсири масалаларини ўрганиш бўйича эса қуйидаги асосий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тариқатнинг шаклланиши, илм-ул хуруф тушунчаси, араб ҳарфларининг поэтик табиати, бадий-эстетик тафаккур тараққиётидаги ўрнини аниқлаш; турли халқлар адабиётидаги таъсир доирасини ўрганиш; таржима муаммоларини ечиш, бадий адабиётда китобат санъатининг қўлланилиш ўрни ва аҳамиятини ёритиш; таълим-тарбия тизимида дидактик ва методик мақсадларда фойдаланиш усуллари белгилаб кўрсатиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида С.Мумтоз, Ҳамид Арасли, Л.Ҳусайнзода, М.Гулизода, С.Шихиева, З.Қулизода, М.Сеидов, Ҳ.Арасли, М.Ибрагимов, Г.Абдулбоқи, Ф.Усулер, А.Шиммелхоним, Э.Браун, Кл.Хьюар, Х.Риттер кабиларнинг илмий изланишлари алоҳида эътирофга лойиқ³.

Рус адабиётшунослигида эса, бу борада Л.Климович, А.Шариф, Ф. С.Бабичев, А.В.Кудрыцкий каби олимларнинг Насимий ижодини ўрганиш ва оммалаштириш бўйича бажарган ишларини келтириб ўтиш ўринли⁴.

Ўзбек адабиётшунослигида хуруфийлик тариқатининг шаклланиши ва бадий ижодга таъсири масаласи⁵ ўрганилган бўлса-да, Насимий ижодининг ўзбек адабиётига таъсири махсус тадқиқ этилмаган. Бу борада таниқли озарбайжонлик олим З.Қулизоданинг фикрларини келтириш ўринли ҳисобланади: «Насимий ва хуруфийликнинг ўзбек адабиётига таъсирини аниқ ва равшан далиллар топиб кўрсатиш керак. Бундай далиллар эса ўзбек адабиётида сўзсиз мавжуддир»⁶. Низомий ва ўзбек адабиёти, Фузулий ва ўзбек классик шеърятини адабиётшунослигимиздаги энг қизиқарли ва изчил тарзда тадқиқ қилиб келинаётган мавзулардандир. Бунда икки халқ – озар ва

³ Салмон Мумтоз. Сайид Имоиддин Насимий. Озарбайжон адабиёти серияси. – Баку. 1926; Сеидов М. Из истории азербайджано-армянских литературных связей. – Ереван, 1960; Азербайжан эдэбијјаты тарихи. – Баку, 1960. – 589 с.; Сеидов М. Роль Насими в истории азербайджано-армянских литературных взаимосвязей. Сборник статей о Насими. – Баку, 1971; Кули-заде З.А. Насими – философ и поэт Востока. – Баку, 1973; Арасли Ҳ. Имоиддин Насимий (Ҳаёти ва ижоди). Суйима Ганиева таржимаси. – Тошкент: Фан, 1973; Ибрагимов М. Великий азербайджанский поэт Насими. Литературный азербайджан. – Баку. 1973; Ибрагимов М. Насими и его время. Сборник статей Насими. – Баку, 1973; Шихиева С. Лирика Насими: Автореф. к.ф.н. – Баку, 1991; Gölpınarlı Abdülbâki. Hurufilik metinleri katalogi. – Ankara, 1973; Usluer Fatih. Hurufilik. – Istanbul, 2009; Schimmel Annemarie. Islamin mistik boyutlari. – Istanbul, 2004. – S. 436. Э. Браун, Гибб, Кл. Хьюар, Ҳ. Риттер кабиларнинг изланишлари ҳақида қуйидаги монографияда батафсил берилган: Кули-заде З. Хуруфизм и его представители в Азербайджане. – Баку, 1970. – 265-б.

⁴ Люциан Климович. Хрестоматия по литературе народов СССР: Литература: азербайджанская, таджикская, узбекская, туркменская, казахская, киргизская. Для высших учеб. заведений. – Государственное учебно-педагогическое издательство Министерства Просвещения, 1959. – 830 с.; Азиз Шариф. Великий еретик (К 600-летию со дня рождения Сеид Имадеддина Насими) // Издательство Академии наук СССР : журнал «Народы Азии и Африки». – 1974. – № 1. – С. 137-142; Федор Семенович Бабичев, Анатолий Викторович Кудрыцкий. Украинский советский энциклопедический словарь. – Глав. ред. Укр. Сов. энциклопедии, 1988. – 920с.

⁵ Э.Рустамов. «Ўзбекские поэты XV века и хуруфизм». – «Народы Азии и Африки» – 1963. – №4. – С.130-135; Насимий. Асарлар. Шеърлий тўпламига кириш сўз. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – Б.5-15; Насимий. Озарбайжон тилидан Эргаш Очил таржимаси. Шеърлий тўпламига кириш сўз. – Т.: Мовароуннахр, 2018. – Б.3-7; Амонова З.Қ. Хуруфийлик ва XIV-XIX асрлар ўзбек мумтоз адабиёти: Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Самарканд, 2012.

⁶ Бу ҳақда қаранг: Кули-заде З. Хуруфизм и его представители в Азербайджане. – Баку, 1970. – 193-б.

Ўзбек олимларининг меҳнатлари ҳам диққатга молик. Назаримизда, Насимий ва ўзбек адабиёти мавзусини ҳам мана шундай юқори даражага кўтариш лозим.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон адабиётшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Насимий ижодининг туркий адабиётда тутган ўрни ва мавқеига баҳо бериш, XV асрнинг биринчи ярми ижодкорларига, Алишер Навоий лирикасига ҳамда XV асрдан кейинги давр ўзбек шеърятига таъсири, хуруфийлик талқинига асосланган асарларнинг мавзу ва образлар олами, ритмик-композицион тузилиши, лингвопоэтик вазифаларини ёритиш монографик тарзда текширилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Филология фанларининг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Насимий шеърятининг ўзбек шоирлари ижодига таъсирини тарихий-хронологик, қиёсий-типологик, адабий алоқа ва таъсир нуқтаи назаридан асослаш орқали анъанавий мотив, образ, ифода услубига хос хусусиятларни, поэтик трансформацион жараёнларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хуруфийлик шеърятининг шаклланиш асослари, манбалари ва тадрижий тараққиёт хусусиятларини далиллаш;

Насимий ижодиётининг Мансур Ҳаллож қарашлари, хуруфийлик билан боғлиқлигини, унинг бу йўналишдаги ижодий меросининг умумтурк адабиётига, хусусан, озар, усмонли турк, туркман, ўзбек фольклори ва адабиёти тараққиётига таъсирини асослаш;

ўзбек шоирлари Атоий, Лутфий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмийлар адабий меросига Насимий ижодиёти таъсирини аниқлаш;

Алишер Навоий ижодий меросида Насимий тажрибаларининг адабий-эстетик таъсирини, илоҳий ишқ ва ирфон талқинларидаги уйғунликларни ёритиш;

XVI – XVII асрлар ўзбек шеърятига Насимий ижодининг таъсирини З.М.Бобур, Қул Убайдий, Бобораҳим Машраб, XVIII–XIX асрларда эса Огаҳий, Комил Хоразмий, Ҳазиний девонларидаги Насимийдан илҳомланиб яратилган шеърлар мисолида далиллаш;

Насимий шеърятдан илҳомланиб яратилган шеърларнинг ритмик-композицион (вазни, қофия тузилиши), образлар таркиби, бадиий тил хусусиятларини шоир маҳорати нуқтаи назаридан очиб бериш;

замонавий ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигида Насимий ижодига, Насимий образига муносабатни ойдинлаштириш ҳамда шоир асарларининг таржималарини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Насимийнинг озар ва ўзбек тилидаги девонлари, XV асрнинг биринчи ярми ижодкорлари Атоий, Лутфий, Ҳофиз Хоразмий ғазаллари ҳамда Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги лирик асарлари, «Хамса», «Насойим ул муҳаббат», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», XVII –XIX аср ижодкорлари:Машраб, Огаҳий, Комил Хоразмийларнинг лирик мероси ва XX аср шоирларидан А.Чўлпон, Э.Воҳидов, У.Кўчқор, С.Сайид, Н.Афоқоваларнинг шеърлари танланди.

Тадқиқотнинг предметини Насимийнинг ғазал, рубоий, маснавий жанридаги асарлари таъсирида ўзбек адабиётида худди шундай мазмун ва жанрда яқин мотив, образ, бадий санъат, вазн, қофия асосида яратилган шеърӣ асарларнинг шаклланиш асослари, манбалари, поэтик-композицион ва тил хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда аналитик таҳлил, матн талқини, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, биографик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Насимий ижодиётининг хуруфийлик билан боғлиқлиги, шеърятининг географияси, вакиллари, шаклланиш асослари ва манбалари ҳамда бадий талқин компонентлари муайян илмий-назарий хулосалар билан исботланган;

озар шоири Имоиддин Насимийнинг Мансур Ҳаллож қарашлари, хуруфийлик ғоялари асосида яратган шеърӣ асарларининг озарбайжон, усмонли турк, туркман, ўзбек фольклори ва адабиёти тараққиётига кўрсатган адабий алоқалар ва маданиятларнинг ўзаро адабий таъсири асосланган;

ўзбек адабиёти тараққиётининг турли босқичларида ижод қилган Атоий, Лутфий, Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий, З.М.Бобур, Қул Убайдий, Бобораҳим Машраб, Огаҳий, Комил Хоразмий, Ҳазиний каби шоирлар томонидан илоҳий ишқ ва ирфон талқинида Насимий шеърларидан илҳомланиб, адабий-эстетик қарашларидан таъсирланиб яратилган асарларининг ғоявий-бадий жиҳатдан муштарак белгилари, мавзулар оламидаги ҳамоҳанглик, вазн, қофия, бадий тасвирий воситалардан фойдаланишдаги ўхшашликларнинг акс этиши далилланган;

адабий таъсир завқи билан ёзилган шеърларнинг жанрий, ритмик-композицион вазни, қофия тузилиши, образлар таркиби, бадий тил хусусиятлари шоирлар маҳорати нуқтаи назаридан қиёсий-типологик, хуруфийлик ғоялари ифодасидаги, илоҳий ишқ ва ирфон талқинидаги умумийлик ва мазкур ғоя ифодасидаги адабий-эстетик қарашлари, бадий маҳорат каби хусусий поэтик хоссалари исботлаб берилган;

Насимий ижоди ҳамда образига тарихий-хронологик ва қиёсий-типологик муносабат, шоир асарларини ўзбек тилига таржима қилиш орқали поэтик трансформацион табиати далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётига тасаввуф, жавонмардлик, маломатийлик каби бир қанча диний, ирфоний оқим ва таълимотлар қатори хуруфийликнинг ҳам таъсири мавжудлиги илмий асосланган;

озар шоири Имодиддин Насимийнинг бутун борлиқ ва мавжудот асосини, инсон умри ва одамийлик моҳиятини араб ҳарфларининг ботиний, илоҳий-ирфоний маънолари билан боғлаб, бу ҳақдаги маърифий тушунча ва қарашларини исломий-тасаввуфий манбалар асосида поэтик ифода этганлиги тизимли қиёсий таҳлиллар орқали далилланган;

Насимийнинг араб ҳарфлари асосида илоҳий-ирфоний, тасаввуфий ғояларни рамзий-тимсолий маъноларда бадиий ифодалаш маҳоратининг мумтоз ва замонавий ўзбек шоирлари лирикасига таъсири ҳамда уларнинг ижодда бир қатор мазмуний-услубий янгиланишларга эришганлиги исботланган;

Атоий, Лутфий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий, З.М.Бобур, Қул Убайдий, Бобораҳим Машраб, Огаҳий, Комил Хоразмий, Ҳазиний каби ўзбек мумтоз шоирлари ижодида умуминсоний ғоялар ва Аллоҳга ишқ талқини ифодасида ҳуруфийлик шеърятига хос ғоя, мазмун, бадиий шакл, рамзий образ ва тимсол, ифода услуби, поэтик санъат намуналаридан ўзаро уйғунликда фойдаланиш тамойиллари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот юзасидан чиқарилган хулосалар тадқиқотчи томонидан эълон қилинган илмий ишларда ўз ифодасини топганлиги ҳамда бу хулосалар илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланганлиги, аниқ қўйилган муаммо аналитик таҳлил, матн талқини, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, биографик методлар ёрдамида ечилганлиги, назарий хулоса ва фаразларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек адабиётида адабий алоқа ва ўзаро бадиий таъсир асосида яратилган асарларнинг жанрий такомиллашувини, мазмуний янгиланишини далиллаш орқали жанрлар типологияси, спецификаси ва динамикасида содир бўладиган ўзгаришларни белгилаб кўрсатишда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қардош ўзбек ва озар халқларининг адабий алоқалари узоқ тарихга эгаллигини, уларнинг тили, дини, эътиқоди, адабиёти ўзаро яқинлигини далиллаш, хусусан, озар шоири Насимий шеърятининг Атоий, Лутфий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий, З.М.Бобур, Қул Убайдий, Бобораҳим Машраб, Огаҳий, Комил Хоразмий, Ҳазиний каби ўзбек шоирлари ижодига таъсирини ойдинлаштириш, иккала халқ шоирларининг бир-бирларидан таъсирланиб яратган асарлари поэтикаси бўйича яхлит илмий тасаввур ҳосил қилиш «Туркий халқлар адабиёти», «Адабиёт назарияси», «Ўзбек адабиёт тарихи», «Навоийшунослик» каби фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини такомиллаштириш, факультатив дарслар ва махсус курслар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Насимий ижодининг ўзбек адабиётига таъсири масаласини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда жорийланган:

истеъдодли шоир Насимий ижодиёти туркий халқлар фольклори ва адабиётининг ғоявий-бадий такомлида асосий таъсир кўрсатган манбалардан бири бўлгани, фольклор ва ёзма адабиёт жанрлари ўзаро таъсир асосида шаклланиб келгани ҳақида олинган хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» (2012–2016 йй.) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 19 февралдаги 25/01-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек мумтоз адабиётининг анъанавий жанр, мавзу ва образларининг фольклорий асосларини очиш, янги шаклий ва мавзуий изланишлар қилишда стилизация ҳодисасининг ўрнини белгилаб кўрсатиш бўйича хулосалар чиқаришга эришилган;

фольклордан таъсирланган истеъдодли шоир Насимий шеърини ғоявий-бадий такомлидаги халқчилликни таъминлашда асосий манбалардан бири эканлигини тадқиқ этиш бўйича чиқарилган хулосалардан ФА-Ф1-ОО5 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш» (2017–2020 йй.) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 6 январдаги 89-03-58-сонли маълумотномаси). Натижада озар шоири Имомиддин Насимий ижодиётига фольклор таъсири асосида ўзбек фольклори ва адабиёти таракқиётига кўрсатган адабий таъсирга оид таҳлилий маълумотлар такомиллаштирилган;

Имомиддин Насимий қўллаган жанр, образ ва мотивлардан Алишер Навоийнинг ўз асарларида ижодий фойдаланганини далилловчи мисоллар орқали шоир ижодига хос бадий маҳорат ва адабий таъсирланиш бўйича чиқарилган хулосаларлардан Озарбайжон Республикаси Миллий илмлар академияси ва Баку давлат университети фойдаланган (Озарбайжон-Туркманистон-Ўзбекистон адабий алоқалар бўлимининг 2021 йил 13 февралдаги 81-сон маълумотномаси). Натижада Насимийнинг араб ҳарфлари асосида илоҳий-ирфоний, тасаввуфий ғояларни рамзий-тимсолий маъноларда бадий ифодалаш маҳоратининг мумтоз ва замонавий ўзбек шоирлари ижодига таъсири ҳамда улар ижодида янада мазмуний-услубий янгиланишларга эришганлиги исботланган;

Насимийнинг қатор ғазал ва рубоийларида инсон ва унинг мавқеи, олам ва одам муносабатлари, умр ўтқинчилиги, вақтни беҳуда сарфламаслик, инсон камолоти, нафс тарбияси, гўзал ахлоқ, қалб тафсияси ва айниқса, илоҳий ишқ жозибасига кенг эътибор қаратилиши бўйича чиқарилган хулосаларлардан Ўзбекистон Муслмонлари идораси хузуридаги Мир Араб

олий мадрасасида фойдаланилган (Ўзбекистон Муслмонлари идораси Мир араб олий мадрасасининг 2021 йил 17 июлдаги 81-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек адабиёти тараққиётининг турли босқичларида ижод қилган Атоий, Лутфий, Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий, З.М.Бобур, Қул Убайдий, Бобораҳим Машраб, Огаҳий, Комил Хоразмий, Ҳазиний каби шоирлар томонидан илоҳий ишқ ва ирфон талқинида Насимий шеърларидан илҳомланиб, адабий-эстетик қарашларидан таъсирланиб яратилган асарлари юзасидан илмий хулосалар чиқаришда ушбу тадқиқот натижаларига таянилди.

озар мутафаккир шоири Имомиддин Насимий ҳаёти ва фаолиятининг ўзбек халқ оғзаки ижодига ҳамда XV, XVI, XVII, XVIII ва XIX аср шоирлари ижодига адабий таъсири масаласи, қолаверса, замонавий адабиёт вакиллари шеърлари орасида Насимийга аталган ва Насимий номи билан боғлиқ ижод намуналарининг мавжудлиги, уларнинг шоир мотивлари асосида ўз даври воқеликларини, ирфоний тушунчаларни, инсонни маънавий камолотга етакловчи қарашларни бадиий ифодалашга эришгани ҳақидаги илмий хулосалардан «Бухоро» телеканалининг «Долзарб мавзу», «Интервью плюс», «Ассалом, Бухоро», «Саккизинчи мўъжиза» кўрсатувларида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 16 мартдаги 1/79-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур ишнинг илмий натижалари воситасида ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни илмий далиллар билан бойитилиши, кўрсатувнинг илмий-оммабоплиги кучайтирилиши, бадиий адабиётда комил инсонни камолотга етакловчи ғоялар, нафсни енгиш, покликка интилиш билан боғлиқ ахлоқий қарашлар таҳлили асосида телетомошабинларнинг билими, китобхонликка қизиқиши, ахлоқий тушунчалари ривожлантирилиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17 та халқаро ва 24 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 61 та илмий иш нашр этилган бўлиб, 1 та монография, 1 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижалари чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 13 таси республика ҳамда 5 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ҳажми 268 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва

предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган. Мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари ёритилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Насимийнинг туркий адабиётда тутган ўрни ва тарихий мавқеи**» деб номланган. Биринчи фасл «Хуруфийлик таълимоти ва Насимийнинг шоирлик маҳорати» деб юритилади. Бунда Шарқ мумтоз адабиёти тараққиётига тасаввуф, жавонмардлик, маломатийлик каби бир қанча диний, ирфоний оқим ва таълимотлар қатори хуруфийликнинг ҳам таъсири борлиги илмий асослаб берилади. Мазкур маслак тасаввуф тариқатларидан бири бўлиб, XIV асрнинг охирларида Озарбайжон, Эрон, Туркия каби бир қатор Шарқ мусулмон мамлакатларига тарқалган. Хуруфийлик араб ҳарфларининг ботиний маъноларига эътиқод қиладиган ва дунё сир-асрорларини шу ҳарфларга боғлайдиган ўзига хос таълимотдир. Бу сулукда араб ҳарфларининг илоҳий-ирфоний маъноларини кашф этишга эътибор қаратилган. Хуруфийлар 28 араб ҳарфига форс алифбосидаги 4 (“پ” ”چ” ”ژ” ”گ”) ҳарфни ҳам қўшиб, 32 ҳарфга бутун борлиқ ва мавжудот асосини боғлайдилар. Таъкидлаш жоизки, хуруфийлик тариқати шаклланишига қадар ҳам кўпгина адабиётларда «илмул-хуруф» тушунчаси ўз ифодасига эга бўлган. Бунда ҳарфларнинг инсон ва табиатга таъсири ҳақида сўзланган. Ишда «Илмул-хуруф» ҳақида айрим мулоҳазалар ва унинг хуруфийлик тариқатининг шаклланишига кўшган ҳиссаси ҳам ёритилади.

Маълумки, хуруфийлар ҳарфларнинг илоҳий сирларини кашф этишда Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифга ҳам таянганлар. Бундай ҳолат, албатта, хуруфийликнинг нуфузини оширишга хизмат қилган. Хуруфийлик тариқатининг Шарқ мумтоз адабиётига таъсири ҳақида баҳс юритганда мазкур ҳақиқатларни назардан соқит қилмаслик керак. Зеро, хуруфийлик мавзуида қалам тебратган шоир ва адиблар ислом динининг пешқадам вакиллари эди. Имомиддин Насимий шундай шоирларнинг ҳам истеъдодлиси, ҳам ниҳоятда жасоратлисидир. У 1369⁷ йилда Шамахи шаҳрида дунёга келган. Айрим адабиётларда шоир таваллуд санаси 1370⁸ йил, ҳатто 1347⁹ деб ҳам кўрсатилган. Унинг ҳаёти билан боғлиқ муфассал маълумотлар мавжуд эмас. Фақат баъзи тазкира ва тарихий асарлар таркибида айрим маълумотлар келтирилган. Насимий ҳаёти ва ижодини ўрганган олима Саодат Шихиева шоир фаолияти ҳақида маълумот берувчи манба ва тадқиқотларни ўз характеридан келиб чиқиб, шартли равишда уч гуруҳга ажратган: 1) тазкира ва ўрта асрлардаги диний, фалсафий, тарихий

⁷Насимий. Асарлар. Тошкент.Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.1977й. 5-б.

⁸Насимий. Озарбайжон тилидан Эргаш Очил таржимаси. Тошкент:, Мовароуннахр, 2018, 3-Б

⁹Usluer Fatih. Hurufilik. – Istanbul, 2009. – 66 s.

асарлар; 2) шоир яшаган давр ва унинг фалсафаси ҳақида маълумот берувчи салафларнинг, замондошларнинг ва издошларнинг асарлари; 3) Насимийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида бажарилган замонавий тадқиқотлар.¹⁰

Насимий 1393 – 94 йилларда Ширвонда ҳуруфийлик тариқатининг асосчиси Фазлуллоҳ Наимий билан танишган ва мазкур сулукнинг муриди бўлган. Фазлуллоҳ Насимийнинг иқтидорига алоҳида баҳо бериб, тариқатнинг келажагини ҳам Насимийга ишониб топшириши мумкинлигини эътироф этади. Чунки Насимий истеъдодли шоир бўлиб, ҳуруфийлик ғояларини ўз шеърлари орқали халқ орасига ёйишда хизматлари катта бўлган. Унинг озар ва форс тилидаги девонлари бизгача етиб келган. Форс тилидаги ижоди Эронда алоҳида тўплам ҳолида нашр этилган. Айрим манбаларда унинг «Муқадиматул ҳақойиқ» номли асар ёзганлиги ҳам қайд этилади¹¹. Имоиддин Насимий шеърларида ҳуруфийлик ғоялари мукамал, асосли, юксак маҳорат билан қаламга олинади. Айниқса, шоир ижодида инсонни улуғлаш, уни илоҳийлаштириш, яъни унга илоҳий қувватнинг зуҳури ва тажассуми сифатида қараш асосий ўрин тутаяди. Шунинг учун тасаввуфшунос олима Аннамария Шиммельхоним Насимий ижоди ҳақида тўхталиб, «Насимий – энг буюк ҳуруфий шоирдир»¹², деб баҳо беради. Имоиддин Насимий борлиқ, олам ва одам яратилишининг асоси ҳақидаги ғазалларидан бирида шундай ёзади:

Кофу нун амриндан ўлди кун ила фаякун,
Гар бу лавҳнинг абжадисан, нун ила кофинг қани?

Дарҳақиқат, «Кун» (бўл) ибораси ва «фаякун» (бўлади) сўзи учун «Коф» ҳамда «Нун» ҳарфи асос бўлган. Насимий талмеҳ санъатидан ўринли фойдаланиб, Қуръони Каримдаги «Ёсин» сурасининг 82-ояти каримасига ишорат этади: «Бирон нарсани ирода қилган вақтда Унинг иши фақатгина «Бўл» демоқликдир. Бас, у бўлур-вужудга келур». Шунинг учун ҳуруфийлар бу иккала ҳарфга жамики махлуқотнинг ибтидоси сифатида қарайдилар. Ҳуруфийларнинг асосий эътибор қаратган масалаларидан яна бири – инсон юзини Мусҳафга, яъни Қуръони Каримга тенглаштирганларидир. Чунки улар дунё ва коинотнинг сирларини ҳарфлар билан ва бу ҳарфларни инсон юзидаги хатлар билан алоқадор шаклда изоҳлашга ҳаракат қилишган. Ҳуруфийларга кўра ҳаётнинг бутун сирлари Қуръондаги ҳарфларда, бу ҳарфлар эса инсон юзидадир¹³. Насимий ҳам том маънодаги ҳуруфий-шоир сифатида шу ақидани ҳадди аълосига етказиб қуйлади:

Қошинг-ла кипригинг важҳи манго келди ва билдирди,
Ки сансан арш ила курси, юзинг ёзуви Қуръондур¹⁴.

Мазкур байтда шоир ўзи эътиқод қилган маслага – ҳуруфийлик нуқтаи назардан инсонни мадҳ этиб, уни энг юксак мақом эгаси сифатида эътироф этади. Инсонни арш (осмоннинг энг юқориси, энг юксак мақом) ила курси

¹⁰ Шихиева С. Лирика Насими: Автореф. к.ф.н. – Баку, 1991; 6-б

¹¹ Usluer Fatih. Hurufilik. – Istanbul, 2009. – 67 s.

¹² Schimmel Annemarie. Islamin mistik boyutlari. – Istanbul, 2004. – 356 s.

¹³ Арасли Х. Имоиддин Насимий. – Тошкент, 1973 й. 26 б.

¹⁴ Насимий И. Асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 й. 156 б.

(тахт, осмон, тўққиз қат осмон) деб аташ билан махлуқот олами орасида унинг мавқеи жуда баланд эканлигини назарда тутди. Бу билан Насимий айна мавзудаги Қуръони Карим оятларига ишора қилади: «Дарҳақиқат, Биз одам болаларини азиз ва мукаррам қилдик...»¹⁵. Шоир «инсон юзини илоҳий сирларни очувчи Қуръондир», дея илоҳийлик билан боғлиқ мулоҳазаларга урғу беради. Шоир ўз мулоҳазаларини ифодалашда таносиб (қош, киприк, важх; арш, курси, Қуръон), ташбеҳ, талмеҳ каби бадий санъат турларидан маҳорат билан фойдаланган. Айна мавзу Насимийнинг бир қанча ғазалларида давом эттирилган.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли «**Мансур Ҳаллож қарашларининг туркий адабиётдаги талқини ва Насимий ижодиёти**» деб номланади.

Маълумки, тасаввуф шеъриятининг марказий қаҳрамонларидан бири Мансури Ҳаллождир. У – ўзининг «Анал – ҳақ» (Мен ҳақман) ғояси билан бутун дунёга танилган сиймо. Унинг бу ғоясидан илҳомланмаган тариқат аҳлини, шоирни Шарқ мумтоз адабиётида топиш душвор. Мансур Ҳаллож номини туркий шеъриятга Аҳмад Яссавий олиб кирди. Сўфий-шоир ўз ҳикматларида Ҳаллож ва унинг «Анал-ҳақ» ғояси билан боғлиқ мушоҳадаларни қаламга олди. Қолаверса, Насимийнинг ҳам Аҳмад Яссавий ғояларидан жуда кучли таъсирланганлигини кўриш мумкин. Зеро, Яссавий ҳикматлари эсланганда биринчилардан бўлиб қуйидаги ҳикмат ёдга келади:

Бешак билинг, бу дунё барча элдин ўтаро,
Инонмағил молингга, бир кун қўлдин кетаро.
Ота-она, қориндош қаён кетти, фикр қил,
Тўрт аёғлик чўбин от бир санга етаро.
Миндуруб ҳам, елдуруб, элтса ўшал гўр уйга,
Кириб икки сўрғувчи сандин савол этаро.
Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, Сирот узра тутаро.
Аҳли аёл, қариндош, ҳеч ким бўлмайдуз йўлдош,
Мардона бўл, ғариб бош, умринг елдек ўтаро.
Қул Хожа Аҳмад, тоат қил, умрунг билмам, неча йил,
Аслинг билсанг, обу гил, яна гилга кетаро¹⁶.

Ҳикмат таркибидаги тасаввуфна талқин ва орифона хулоса жуда кўп мутасаввифлар ва шайхларни илҳомлантирган. Ана шулар орасида Имоиддин Насимийнинг борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Таниқли фольклоршунос олим Мирали Саидов тадқиқотида қадимий кўлёмаларда келтирилган Насимийнинг бир шеърини зикр этади. Мазкур шеърдаги ғоя ва ифода услуби ҳеч қандай изоҳсиз Яссавий ҳикматидан илҳомланиб яратилганлигини кўрсатади:

Кимсанинг молин емагил,
Бу манга қолур демагил.
Ул сиёсат майдонида,

¹⁵ Қуръони Карим. (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф таржимаси). – Тошкент: Шарқ, 2011 й. 289 б.

¹⁶ Яссавий А. Умринг елдек ўтаро. – Тошкент. Муҳаррир. 2020й. 189-б.

Ҳақли ҳақдин оласидур.
Эй Насимий, керилмагил,
Чунки келдинг ўлмак учун.
Чун тупроқдан яралди танинг,
Яна тупроқ бўлғусидур¹⁷.

Яссавий ижодида бўлгани каби Имодиддин Насимий ижодида ҳам Мансур Ҳаллож образи муҳим ўрин тутди. Ҳаллож – Насимий учун мардлик, шижоат ва ҳақпарастликнинг нодир тимсоли. Мансурни кўкларга кўтариш ва ҳатто унга тиз чўкиш Насимий ижодига тегишли хусусият саналади. Шунинг учун турк тадқиқотчиси Абдулбоқи Гулпинорли «Насимий тарихга иккинчи Мансури Ҳаллож бўлиб кирди»¹⁸, – деса, Озарбайжон олими Гулизода уни «хусайния» ва «ҳалложия» тариқатига мансуб деб белгилаган¹⁹. Дарҳақиқат, у Мансур Ҳалложга бўлган улуғ садоқати туфайли ижодининг илк босқичларида Ҳусайни, Сайид Ҳусайни, Сайид таҳаллуслари билан ижод қилган. Сабаби Мансурнинг асли исми Ҳусайн бўлиб, унинг тариқати хусайния ёки ҳалложия номи билан машҳурдир. Таъкидлаш жоизки, халқ орасида «Қиссаи Машраб» га ўхшаш «Қиссаи Сайид Насимий» ҳам яратилган бўлиб, эътиборли жиҳати шундаки, асарда Мансур Ҳаллож ва Насимийнинг тақдири узвий боғлиқ эканлигига ишора мавжуд. Қисса бир-бири билан чамбарчас боғлиқ икки сюжетдан иборат. Асар мисрлик Мансурнинг ишқ йўлига киришига сабаб бўлган воқеа билан бошланади. Ҳаллож «Анал Ҳақ» ғоясининг асарда келтирилиши иккинчи воқеанинг бошланишига замин ҳозирлайди. Яъни ўз маслагидан қайтмаган Мансур ваҳшиёна қатл этилиб, жасади бир ҳовуч кулга айлантирилади ва сувга оқизилади. Кунларнинг бирида сувга оқиб келган кулни Ҳалаб шоҳининг қизи кўриб, уни ичиб юборади. Оқибатда қизнинг бўйида ўша кул ҳомилага айланади. Вақти соати келиб, шоҳ қизи ўғил фарзандлик бўлади. Болага Насаб деб ном берадилар. Насаб бу – Насимийдир. Орадан вақт ўтиб болада сўфий Ҳалложнинг акси гавдаланади. Яъни қиссадан Насимий бу Мансур Ҳаллождир, деган фикр англашилади²⁰. Мазкур қиссада Мансур Ҳаллож билан Насимий маслаги, ғоялари, тақдирлари туташ ҳолда эканлиги зикр этилади. Моҳиятан ҳам, Насимий ижодини Ҳаллож ғояларидан айро ўрганиш мумкин эмас. У ҳуруфийлик тариқатининг муриди бўлганидан сўнг, асарларида муршиди Фазлуллоҳ Наимийга мос Насимий таҳаллусини қўллаган. Аммо шундай бўлса-да, Насимий ижодида шайх Мансур тимсоли доимо марказий ўринда турди. Ишда таҳлил этилган шеърлардаги ишоралар Яссавий ва Насимийнинг Ҳаллож ҳақидаги қарашлари орасида ўхшашликлар борлигидан далолат

¹⁷М.Сеидов. Роль Насими в истории Азербайджано-Армянских литературных взаимосвязей. Имадеддин Насими. Сборник статей. Баку., «Элм», 1973.87-б.

¹⁸Gölpınarlı Abdülbâki. Nesimi - Usuli - Ruhi. - Istanbul, 1953. – 158 s.

¹⁹Кули-заде З. Хуруфизм и его представители в Азербайджане. – Баку: Элм, 1970. – 195 с.

²⁰Юлдошева С. Бадий-биографик қиссалар поэтикаси («Қиссаи Иброҳим Адҳам», «Қиссаи Сайид Насимий», «Қиссаи Машраб» асарлари асосида). Филол.фанлари номзоди диссер.автореферат. – Самарканд 2012й. 39-б.

беради. Шу боис иккала шоир ижодида Мансур Ҳаллож билан боғлиқ масалалар қиёсий сатҳда ўрганилди.

Бобнинг учинчи фасли «**Насимий ижодининг озар, усмонли турк ва туркман адабиётига таъсири**» деб номланади. Насимийнинг тасаввуфий ва фалсафий мавзудаги ижоди озар тили ва адабиёти тарихида муҳим аҳамият касб этади. Чунки у «ўзининг чуқур фалсафий шеърлари билан озарбайжон адабиёти тарихида она тилида яратилган фалсафий ғазалнинг асосчиси бўлди»²¹. Кўпгина шоирлар унинг ғазалларига мухаммаслар боғлади, татаббуъллар яратди. Насимий ижодидан илҳомланган, унинг ғояларини маълум маънода давом эттирганлар сифатида Мирзо Жаҳоншоҳ Ҳақиқий ва Муҳаммад Фузулий номларини қайд этиш мумкин. Насимий ва Фузулий ижоди озарбайжон адабиёти тараққиётига муҳим ҳисса қўшди. Бу борада филология фанлари доктори М.Гулизодининг мулоҳазалари алоҳида аҳамиятга эга: «Агар Насимий озарбайжон тилида шеърятнинг пойдеворини тиклаб, унинг устига баланд девор қурган бўлса, Фузулий шу қаср деворларини ниҳоясига етказиб, деворларини қимматбаҳо дур-жавоҳирлар билан безади»²². Шуларни инобатга олиб, ишда мазкур шоирларнинг шеърлари ҳам таҳлилга тортилган.

Хуллас, кўпгина озар ижодкорлари Насимийни ўзларининг раҳнамолари ва устозлари деб билди. Шоир шеърятини озар адабиёти вакиллари ижодига узоқ таъсир этди. Шунинг учун «Насимий вафотидан икки аср ўтгандан кейин ҳам, Озарбайжон шеърятини ҳуруфийлик таъсирида эди», – деб ёзади турк тадқиқотчиси Фуод Купрулузода²³.

Ҳуруфийлик тариқатининг ватани Озарбайжон бўлиб, ундан сўнг кенг тарқалган давлат Туркиядир. Наимийнинг муридларидан Насимий ва унинг шогирди Рафиийлар ҳуруфийликнинг Туркияга тарқалишига хизмат қилганлар. Ҳуруфийликнинг назарий масалалари билан бир қаторда, шеърятда мазкур сулук ғояларини тарғиб қилиш усмонли турк адабиётида ҳам асосий ўрин эгаллайди. Ҳуруфийлик ғояларини ўз шеърлари орқали тарғиб қилган Насимийнинг таъсири туркий адабиётда яққол сезилади. Унинг ғояларидан усмонли-турк шоирлари Ривоний, Караманли Низомий, Рўшонийлар кўп таъсирландилар. Айни масала билан боғлиқ шеърлар ишда таҳлил этилган. Таъкидлаш лозимки, туркий халқлар орасида шоир ижодига қизиқиш, унинг асарларини кўчириш ва оммалаштириш кенг планда амалга ошган. Жумладан, усмонли турклар орасида Насимий ижодига қизиқиш анча кучли бўлганлиги боис унинг бир қанча қўлёзма ва тошбосма асарлари қўлёзмалар фондида сақланади. Масалан, Сулаймония кутубхонасидаги Насимий девони тошбосма нусхасини кўздан кечирсак. Мазкур нусха XIX асрга тегишли бўлиб, чиройли ҳуснихатда босилган. Тошбосманинг умумий саҳифаси 133 varaқ бўлиб, бир муқова ичида иккита алоҳида қисмдан иборат

²¹ Арасли Х. Ўша асар 19- б.

²² М.Гулизода. Лирика Фузули. – Баку.1965й. 28-б.

²³ Kuprulzoda Muhammad Fuod. Türk edebiyati tarihi. – Istanbul, 1981. – 355 s.

асарлар киритилган. 1-қисмнинг 5-бетида «ترجیع بند السید علی» «Таржеъбанди Саййид Али» сарлавҳаси билан бошланган қисм мавжуд ва бу 7-бетга қадар давом этган. Мазкур шеърий матн форс тилида битилган. 7-бет «بخدواندکار الشہیر الجبلاللسیدکلامن» «Мин калами ас-саййид ал-Жалил аш-шаҳийр би-Худовандкор» (таржимаси: Худовандкор номи билан машҳур Саййид Жалилнинг сўзларидан) тарзидаги жумла билан бошланади. Бу назмий матн ҳам форс тилида бўлиб, 7-бетдан 8-бетнинг бошига қадар давом этган. Асар 8-бетдан «رفیعلمولاناکنجنامه» «Ганжномаи Рафиъий» номли қисм билан бошланган ва бу «Ганжнома» 12-бетга қадар давом этган. Бунда ҳам форсий, ҳам туркий жумлалар учрайди. Шу ўринда Рафиъий ҳақида айрим мулоҳазаларни баён этиш зарурати мавжуд. Рафиъий Насимийнинг муриди бўлиб, унинг иршоди билан ҳуруфийликни қабул қилган. У – «Башоратнома», «Ганжнома» каби асарлар муаллифи. Мазкур тошбосмада унинг «Ганжнома»сидан «بيتاھلمقامدر» «Дар мақоми аҳли байт» сарлавҳали қисмидан парча келтирилган. Тошбосманинг 12-бетида «نسیمنترجیع بند السید» «Таржеъбанди Саййид Насимий» сарлавҳаси билан шеърий мисралар келтирилган бўлиб, 28-бетга қадар давом этган. Форс тилида битилган бу шеър тошбосманинг биринчи қисми ниҳоясига қадар давом этган. Бу таржеъбанд форс тилида бўлганлиги учун Насимийнинг форс тилидаги девонидан олинган, деган хулосага келиш мумкин. Шундан сўнг тошбосманинг иккинчи қисми бошланади. Бунда унвон²⁴ қисми мавжуд бўлиб, чиройли нақшлар билан безалган ва «Девони Насимий» деб номланган. Ушбу қисмга Насимийнинг туркий тилдаги лирик мероси жамланган. Мазкур тошбосмадаги шеърларнинг тили, жанрлари, ғояси ва таҳлили билан боғлиқ мулоҳазалар ишда атрофлича таҳлилга тортилган.

Хуллас, ҳуруфийлик ва Насимий таъсири турк фалсафий шеъриятининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Ҳатто XV асрда Туркияда Қул Насимий таҳаллусли шоир яшаганлигини қайд этиш лозим. У Имоиддин Насимийга бўлган юксак эҳтиром туфайли шундай таҳаллус танлаган. Ёки ҳуруфийликнинг энг фаол тарғиботчиларидан бири бўлган шоир Усулий «Фазлуллоҳ Соний ва сирри Саййид Насимий» деб аталган. Мазкур таърифнинг ўзиёқ Насимий ва шоир Усулий ижодидаги узвий яқинликни кўрсатади. Сўзсизки, бундай далиллар Насимий ижоди таъсирининг Туркияда узоқ муддат давом этганлигини кўрсатади.

Насимий фожиавий ҳаёти ва таъсирчан ижоди Ўрта Осиё шоирларини ҳам бефарқ қолдирмади. Камолиддин Хусайний ўзининг «Мажолис ал-ушшоқ» асарида таъкидлашича, Насимий шеърияти-Ўрта Осиё ижодкорларига ўз таъсирини ўтказди. Бу жиҳатдан туркман адабиёти ҳам ана шундай ғоялар таъсирида бўлганлигини кўриш мумкин. Бу борада туркман олими С.А.Карриевнинг фикрлари диққатга сазовор: «Насимийнинг чуқур фалсафий шеърияти туркман адабиёти учун энг асосий таъсирли мавзу

²⁴Илк саҳифанинг юқори қисмида жойлаштириладиган безак. Ш.Сирожиддинов. Матншунослик сабоқлари. Тошкент. 2019й., 85-б.

бўлиб қолди»²⁵. Насимий ижодининг туркман шеърлятига таъсири ҳақида тўхталар эканмиз, Махтумқули номини алоҳида қайд этиш лозим. Унинг ижодида араб ҳарфларининг ботиний маънолари зикр этилган шеърлар мавжуд. Шунингдек, Дурди шоир билан «Айтишув»ида ҳам Насимий ҳаётига талмеҳ сифатида ишоралар берилади. Ишда Махтумқулининг шундай шеърлари таҳлилга тортилган.

Демак, усмонли турк ва туркман адабиёти намояндалари ижодида ҳуруфийлик ғоялари, тимсоллари ўз аксини топди. Албатта, бу шоирларни соф ҳуруфий шоирлар қаторига киритиб бўлмайди, улар Насимий ғояларидан таъсирланиб илоҳий-ирфоний мазмундаги ашъорлар битган. Бу эса Насимий ижодининг Яқин ва Ўрта Шарқ малакатларига у ёки бу даражада ўз таъсирини ўтказганлигини яна бир қарра исботлайди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбек фольклори ва адабиётида Насимийдан таъсирланиш масалалари**» деб номланиб, биринчи фаслда «**Халқ оғзаки ижодида Насимий ғоялари ва образи тасвири**» масаласи ёритилган. Насимий ва халқ оғзаки ижоди мавзуси ҳақида тўхталар эканмиз, айна масалага икки жиҳатдан ёндашиш мумкин:

- 1) халқ оғзаки ижодининг Насимий ижодига таъсири;
- 2) Насимий ҳаёти ва ижодининг фольклорга таъсири.

Шоир ғазаллари таркибида халқ мақоллари мазмуни сингдирилган байтларнинг мавжудлиги, фольклор образларининг Насимий асарларида акс этиши, халқона айтишувларининг Насимий лирикасида ифодаланиши каби ҳолатлар орқали халқ оғзаки ижодининг Насимий шеърлятига таъсири масаласи ишда мисоллар орқали далиллаб берилди. Айтиш жоизки, кўпгина халқ дostonларида Хожа Аҳмад Яссавий, Боқирғоний, Навоий, Фузулий, шоҳ Машраб даҳосининг нури ва моҳият зиёси акс этган. Юқорида номлари зикр этилган сўфий-шоирлар қатори Имоиддин Насимий номи зикр этилганлигини ҳам кўриш мумкин. Бу бевосита Насимий ҳаёти ва ижодининг фольклорга таъсирини кўрсатади. Жумладан, Эргаш Жуманбулбул томонидан айтилган «Якка Аҳмад» дostonида Насимийнинг аянчли қисмати шеърӣ баён этилади:

Ўтгинангда тинмай куйсам,
Кўрсам, гулдай юзинг суйсам,
Насимийдай терим сўйсам,
Топарманми болам сани?

Қолаверса, «Қиссаи Сайид Насимий»нинг яратилиши шоир ҳаёти ва ижодининг фольклорга таъсирини кўрсатадиган асосий нуқталардан биридир. Мазкур таъсир доирасидаги мулоҳазалар ва таҳлиллар ишда батафсил ёритилди.

Бобнинг иккинчи фасли («**Атоий шеърлятида Насимий анъаналарининг тадрижий такомил**») XV асрнинг биринчи ярми шеърлятида Насимий таъсирлари масаласига бағишланган. Бу даврда бадий ижод икки тилда, яъни форс-тожик ва туркийда давом этганлигини кўриш

²⁵ Кули – заде З. Хуруфизм и его представители в Азербайджане. – Баку: Элм, 1970. – 194 с.

мумкин. Айтиш жоизки, иккала тилда ижод этувчи шоирлар бир-бирларини жуда яхши тушунишган ва ўзаро жавобия характеридаги шеърларни ҳам яратган. Жумладан, форс-тожик тилида асарлар ёзган Абдурахмон Жомий, Пахлавон Муҳаммад Қуштигир, Биноий, Давлатшоҳ Самарқандийлар эски ўзбек тилини жуда яхши билган. Олим Э.Рустамовнинг таъкидлашича, «Пахлавон Муҳаммад Қуштигир эски ўзбек тилининг билимдони эди. У туркий тилда ижод этувчи шоирлар орасидан, айниқса, Озарбайжоннинг йирик шоири Имодиддин Насимий ижодини жуда қадрлаган»²⁶. Шунингдек, туркий тилдаги ижоди билан шуҳрат қозонган Лутфий, Ҳайдар Хоразмийлар адабиётда зуллисонан ижодкор сифатида қайд этилган. XIV аср, яъни ҳуруфийлик тариқати шаклланган даврда форсий ва туркий адабиётда янги адабий жанрлар шаклланаётган эди. Жумладан, нома жанрининг юзага келиши ҳам шу даврга тўғри келади. Мазкур жанрни XI асрда форсий адабиётда дастлаб Фахриддин Гургонийнинг «Вис ва Ромин» достони таркибида учратамиз²⁷. Аммо XIV асрга келиб, Авҳадийнинг «Даҳнома» асари форсий адабиётда номани адабий жанр даражасига кўтарди²⁸. Ўзбек адабиётида ҳам халқ оғзаки ижоди ва форсий адабиётдан илҳомланиб, XIV асрда Хоразмий томонидан «Муҳаббатнома» яратилди. Эътиборимизни тортган жиҳат шундаки, ҳуруфийлик тариқати ҳам шу асрда шаклланди ва унинг кўпгина атоқли намояндаларининг асарлари сарлавҳаси ҳам «нома» сўзи билан боғлиқ. Масалан, Фазлуллоҳ Наимийнинг «Муҳаббатнома», «Жовидоннома», «Наумнома», «Васиятнома»; Саййид Исҳоқнинг «Ҳидоятнома», «Маҳрамнома», «Таҳқиқнома», «Туробнома», «Ишоратнома»; Али ул Аланинг «Қиёматнома», «Тавҳиднома», «Башоратнома» сингари асарлари форс-тожик ва ўзбек адабиётидаги нома жанрининг шаклланиши ва тараққиётига маълум маънода таъсир этган бўлиши мумкин. Бу каби мушоҳадаларни илмий тадқиқ этиш лозим, деган мулоҳазалар ҳам ишда ўртага ташланди.

XV асрнинг биринчи ярми ўзбек шеърляти улуғ намояндаларидан бири Мавлоно Атоийнинг араб ҳарфлари талқини билан боғлиқ шеърлари, инсон юзи Мусҳафга ташбеҳ этилган байтлари, қолаверса, Ҳаллож номи зикр этилган ғазаллари ишда ўрганилган. Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, Атоий ижодига Насимий шеърлятининг таъсири бўлганлиги ҳақидаги хулосалар берилган.

Бобнинг учинчи фасли «**Насимий ва Ҳофиз Хоразмий ижодиётидаги ғоявий-бадий муштаракликлар**» деб номланган. Насимийнинг рафон ва сержило услуби, мардона шижоати жуда кўп шоирларни илҳомлантирган. Айниқса, Ҳофиз Хоразмий ижодида бу яққол кўзга ташланади. Ҳофиз Хоразмий ўзбек мумтоз адабиётида XIV асрнинг охири XV асрнинг бошларида яшаб, фаолият кўрсатган ва ўзидан салмоқли ижодий мерос қолдирган шоирлардан биридир. Унинг Мансур Ҳаллож ва «Анал ҳақ» ғояси

²⁶Э.Рустамов. Узбекская поэзия в первой половине XV века. М., 1963., 23-б.

²⁷Жамолова М. Ўзбек адабиётида нома жанри. – Тошкент 1992 й. 10-б.

²⁸Жамолова М. Ўша асар. 21-б.

талқини билан боғлиқ талайгина шеърлари ҳам мавжуд. Бу борада матншунос олим Ҳамид Сулаймон шундай ёзади: «Катта замондоши Имодин Насимий каби феодал зулмга қарши ўта исёнкор бўлмаса ҳам, расмий исломнинг разил вакиллари томонидан ваҳшийларча ҳалок этилган суфизм идеологларидан бўлган Мансур Ҳалложни ғазалларида ҳурмат билан эслайди»²⁹. Эътибор қаратилса, Насимий ва Ҳофиз ижодида Мансур Ҳаллож номи ва эътиқоди қайд этилган ғазаллар салмоқли ўрин эгаллайди:

Агар Мансур бўлмоқлик тилар бўлсанг муҳаббатда,
Ҳамеша Ҳофизи шабхез янглиғ зинда дор изда³⁰.

Шоҳ Мансур ишқи ва мардонавор шиддати таърифи Ҳофиз Хоразмийни ҳам бефарқ қолдирмаган. Ҳофиз ҳам муҳаббатда Мансур мақомини тилар бўлсанг, доимо у каби шабхез (туни билан уйғоқ) бўлиб, зинда (тирик) дор иста, дейди. Чунки ишқи илоҳий эгалари, яъни ориф кишилар кам ухлаб, доимо Аллоҳ зикри билан машғул бўлганлар. Зинда дор иста, дейиш билан шоир Ҳалложнинг тақдирини талмеҳ воситасида эслатиб ўтади. Шунингдек, Ҳофиз Хоразмий ижодидаги араб ҳарфларининг ботиний маънолари зикр этилган шеърлар, инсон юзи «сирларни кашф этувчи Мусҳаф» сифатида эътироф этилган байтлар, «Аллоҳ инсонни ўз суратида яратди», ҳадисининг бадий талқинига эътибор қаратилган мисралар, ҳар иккала шоирдаги таъдид санъати асосида яратилган шеърлар ҳам ишда таҳлилга тортилган.

Хулосада айтиш мумкинки, Ҳофиз Хоразмий Насимийдан жуда кўп илҳомланган, унинг ғояларини ўз ижодида маҳорат билан тарғиб қилган.

Бобнинг тўртинчи фасли «**Лутфий ижодида издошлик самараси**» деб номланади. Насимий ижоди таъсири XV асрнинг 1-ярми ижодкорларига кучли сезилади. Айниқса, ўз даврида “Маликул калом” дея эътироф этилган Мавлоно Лутфий ижодида кўриш мумкин.

Насимий шеъриятида турфа мавзулар қатори махлуқот оламининг “Коф” ва “Нун” ҳарфлари асосида юзага келганлиги билан боғлиқ мисралар салмоқли ўрин эгаллайди:

Жўш қилди ақли кул, келди вужуда коинот,
Кофу нун амридан ўлди бу жаҳон якбор маст .

Оламнинг яратилишига асос бўлган мазкур ҳарфларга ҳуруфийлар жамики махлуқотнинг ибтидоси сифатида қарайдилар. Айни мазмундаги байтни Мавлоно Лутфий ижодида ҳам учратамиз:

Кофу нун нақши йўқ эрди андаким ушшоқ учун,
Ишқ ила ҳуснинг бирикти шўру ғавғо қилғали .

Шоир байтда илоҳий амр асоси бўлган “Коф” ва “Нун” ҳарфларининг моҳиятини ифодалаш билан бирга, ҳуруфийликдаги яна бир жиҳат ишқнинг гўзалликдан ажралмаслигини маҳорат билан ёритган. Шоир ижодидаги араб ҳарфлари талқини билан боғлиқ мисралар, инсон юзи энг мукамал Мусҳаф

²⁹Ҳофиз Хоразмий. Девон. 1 - китоб. - Тошкент: 1981й. 15-б.

³⁰Ҳофиз Хоразмий. Девон. 1 - китоб. - Тошкент: 1981. 38-б.

(Қуръон) деган ғояларидан илҳомланган сатрлари таҳлилга тортилган. XV асрнинг бошларида яшаб, фаолият кўрсатган Лутфий шеърлятида адабий таъсир самараси ўлароқ талайгина шеърлар битилганлигини кўриш мумкин. Инсон юзини илоҳий китоб сифатида тасвирлашда Лутфийга издошлик қилган қалам аҳлларида Гадой ва Саккокий номини қайд этиш мумкин. Ушбу шоирлар ижодида қисман бўлса-да айна мулоҳазалар қаламга олинган. Ана шундай сатрлар билан боғлиқ мулоҳазалар ҳам ишда келтирилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Адабий анъана ва поэтик янгилиниш**» деб номланган. Бобнинг биринчи фасл «**Насимий ижоди ва Алишер Навоий лирикаси**» деб юритилади. Насимий ижоди ва матонати улуғ шоир Алишер Навоийни ҳам бефарқ қолдирмаган. Навоий Насимийнинг ғоя ва тимсолларига ҳамоҳанг тарзда қатор шеърлар яратди. Айниқса, араб ҳарфларининг ботиний маънолари зикр этилган мисралар шоир ижодида салмоқли ўрин эгаллайди. Таъкидлаш жоизки, араб алифбосидаги 28 ҳарфдан 14 таси Навоий девони таркибидаги шеърларда қўлланилган. Ишда Навоий ижодида қўлланилган ҳарфлар билан боғлиқ байтлар жадвал асосида батафсил ёритилган. Навоий ижодида энг кўп қўлланилган ҳарф – Алифдир. Мазкур ҳарф талқинига бағишланган байтлар ишда батафсил таҳлил қилинган. Навоий ижодида инсон юзи илоҳийлиги билан боғлиқ мисралар ҳам талайгина. Шоир одам юзи мусҳаф экан, ушбу каломи илоҳийнинг «Бисмиллоҳ»и – инсоннинг икки қошидир, дейди:

Бу навъ ўлдум жамолинг мусҳафининг сирридин огах,
Ки фихрастида келди икки қошинг икки бисмиллаҳ .

Байтда дунё Аллоҳ зотининг тажаллиси эканлиги, бу одатда, инсон юзида акс этиши кенг тарғиб қилинади. Ҳуруфийлар таърифига кўра инсон юзи энг мукамал Қуръондир. Маълумки, Қуръони Каримда Аллоҳ таоло жами махлуқот олами ҳақида, ўз сифатлари, сир-асрорлари тўғрисида сўзлаган. Демак, Аллоҳ сирларини акс эттирувчи Мусҳафи Шариф бу – инсон юзи. Алишер Навоий ҳам жамолнинг фихрести (муқаддимаси) – қош, мусҳафнинг муқаддимаси – «бисмиллоҳ» эканлигини айтиб, жамолни мусҳафга, икки қошни – икки бисмиллоҳга ташбеҳ қилади. Хўш, нима учун айнан «икки бисмиллоҳ?» деган ҳақли савол туғилади. Мазкур масаланинг ечими Қуръони Каримда ўз ифодасини топган. Бу илоҳий китобдаги «Намл» сурасининг биринчи ва 30-оятлари Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм (الرحيم) билан бошланган. Биринчи оят, табиийки, суранинг бошланиши бўлганлиги учун мазкур битик билан бошланган. 30-оятда эса Сулаймон (а.с.) Билқисга ёзган номасини шу оят, яъни Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм (بسم الرحمن الله) билан бошлаганлиги айтилади. Шоир учун бу ҳолат, яъни бир сурада икки бисмиллоҳнинг келиши – инсоннинг икки қошига ташбеҳ қилинишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Навоий ушбу байтда талмех воситасида «Намл» сурасига ишора қилади.

Бобнинг иккинчи фасли «Илоҳий ишқ ва ирфон талқинларидаги уйғунлик» деб номланади. Маълумки, тасаввуф оламида алоҳида аҳамият

каратилган нуқталардан бири илоҳий ишқ ва ирфон талқинидир. Ишқ бутун оламнинг асоси бўлиб, ундаги барча ашёлар ва инсонларни Ҳақ таолло билан боғлаб турувчи қудратдир. Айнан шу ишқ туфайли Аллоҳ инсонларни яратди. Одамлар ҳам Ҳақдан яралганларидан сўнг ўз яратувчиларига чин дилдан ошиқ бўлдилар. Ҳақ ошиқларининг ибтидо ҳалқаси, табиийки, Ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в.)дан бошланади. Муҳаммад (с.а.в.)нинг меърожга кўтарилишларини Ҳақнинг пайғамбаримизга ва Мустафо (с.а.в.)нинг Аллоҳга бўлган ишқининг энг юксак чўққиси деб эътироф этиш мумкин. Шу нуқтаи назардан меърож талқини мумтоз адабиётнинг асосий мавзуларидан бирига айланди. Жумладан, Насимий ва Навоий каби икки забардаст ижодкорнинг айна масала ҳақидаги мулоҳазалари бир нуқтада тўқнашганлигига амин бўлиш мумкин. Ишда Насимий ва Навоий ижодидаги меърож ва тавҳид билан боғлиқ шеърлар таҳлил этилади. Таҳлил асосида ҳар икки шоир ижодидаги байтларда анъанавийлик ва ўзига хосликлар борлиги кўзга ташланади. Зеро, Насимий ҳам, Навоий ҳам тавҳиднинг, биринчи навбатда, Аллоҳнинг ягоналигини ифода этувчи моҳиятини илгари сурган. Ҳар иккала шоир ҳам тавҳид сири хос кишиларга, яъни ориф-сўфийларга, авлиёларгагина маълум эканлигига урғу беради. Шунингдек, Насимий ва Навоийда ҳам ҳол тавҳиди билан боғлиқ мулоҳазалар баён этилади. Аммо Насимий бу ҳолни байтда ошкор ҳолда (Мансур Ҳаллож тавҳиди) ифодаласа, Навоий рамзий-ишора ҳолида ифодалаган.

Навоийнинг «Хамса» асари таркибидаги дostonларда ҳам бевосита ҳарфларнинг ирфоний моҳияти билан боғлиқ жиҳатлар кўзга ташланади. Масалан, буни «Ҳайрат ул-аброр»нинг биринчи бобидаги «Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм» шарҳида ҳам кўриш мумкин. Улуғ шоир Басмалаи шарифнинг шеърий шарҳини салафларидан фарқли ўлароқ ҳарфларнинг ботиний маъноларини байт мазмунига сингдириш асосида битди. Яъни Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳиймдаги ҳар бир ҳарфнинг илоҳий-ирфоний моҳиятини ёритишга ҳаракат қилган. Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» дostonининг яна бир қанча бобларида Насимий ғояларига ҳамоҳанг тарзда яратилган байтларни кўриш мумкин.

Алишер Навоийнинг насрий асарларида ҳам Насимий билан боғлиқ мулоҳазаларни учратиш мумкин. Жумладан, «Насойим ул-муҳаббат»да шундай дейилади: «Ироқ ва Рум тарафидаги мулкдин эркандур. Румий ва туркмоний тил била назм айтибдур ва назмида ҳақойиқ ва маориф бағоят кўп мундариждур. Мазкур бўлгон мулк аҳлиға анинг шеъри муқобаласида ҳамоноки шеър йўқдур. Ҳамон тақлид аҳли ани мазҳабида қусур туҳматиға муттаҳам қилиб, шаҳид қилдилар. Машҳур мундоқдирки, терисин сўяр ҳукм бўлубдур»³¹. Навоий Насимийнинг туркий машойихлар қаторида зикр этиб, Ироқ ва Рум тарафидаги мулкдан эканлигини, ижоди румоний ва туркмоний тил билан эканлигига урғу беради. Энг аҳамиятли жиҳати шундаки, Навоий Насимий ижодига юксак баҳо беради: «Мазкур бўлгон мулк аҳлиға анинг шеъри муқобаласида ҳамоноки шеър йўқдур». Қолаверса, унинг шеърларида

³¹Алишер Навоий. МАТ. XVII том. – Тошкент, 2001. – 478- бет.

маърифат ва ҳақиқат уфуриб туришини таъкидлайди: «... назмида ҳақойиқ ва маориф бағоят кўп мундариждур». Навоийнинг «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарида ҳам Насимий ижоди билан боғлиқ айрим фикрлар берилган. Жумладан, шундай ёзади: «Сайид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур». Мазкур парча орқали ҳам Навоийнинг Насимий ижодига берган баҳосини англаш мумкин.

Хуллас, Навоий ижодида Насимийдан илҳомланиш, унинг ижодига алоҳида муҳаббат билан қараш яққол кўринади. Навоий айрим ғазалларида Насимий ғояларига ҳамоҳанг байтлар битган бўлса, насрий асарларида унинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ мулоҳазаларни беради.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**XV асрдан кейинги давр ўзбек шеърляти тараккиётига Насимий таъсири**» деб номланади. Бобнинг «**XVI – XVII асрлар шеърлятида Насимий ғоялари ифодаси**» деб аталган биринчи фаслида Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Қул Убайдий, Машраб ижодидаги Насимийдан илҳомланиб яратилган шеърлар таҳлилга тортилади.

Маълумки, XVI аср адабиёти ўзигача бўлган энг сара анъаналарни давом эттирди. Инсонпарварлик, илоҳсеварлик, тасаввуфнинг назарий масалалари ифодаси, пир ва муридлик муносабати шулар жумласидандир. Бу даврнинг истеъдодли иждокорларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Шоир ижодида Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари ўз бадий ифодасини топган. Қолаверса, Бобур анъаналар қобигида қолиб кетмай, ўз новаторлигини ҳам намоён этган. Ишда Бобур Мирзонинг айрим ғазаллари таҳлилга тортилган.

XVI аср ижтимоий-сиёсий ва адабий-маданий ҳаётида катта роль ўйнаган сиймолардан бири Муҳаммад Убайдуллохондир. Унинг ижодида яссавийлик ва нақшбандийлик билан бир қаторда Насимий ва унинг маслагига қизиқиш ҳам мавжуд. Шоирнинг араб алифбосидаги 28 ҳарф ва лом-алиф бирикмасининг ботиний маъноси ифодаланган шеър яратганлиги фикримиз исботи бўла олади.

XVII аср ўзбек адабиётининг ёрқин вакилларида бири Бобораҳим Машрабдир. Шоирнинг ўз эътиқод қўйган шахслари борки, шеърларида уларнинг номларини қайта-қайта зикр этган. Бу борада олим М.Ҳошимхонов шундай ёзади: «Машраб пантеист-сўфийлардан Боязид Бистомий, Мансури Ҳаллож, Насимийларни ўз асарларида тилга олади, мадҳ қилади»³². Дарҳақиқат, шоир девонида юқорида қайд этилган сўфийларнинг номлари келтирилган ғазалларни учратамиз:

Куфр айтти, деб Насимий терисини сўйдилар,
Гўшту пўстин сўзлатиб оламга гўё қилди ишқ.

Насимий ва Машраб ижодидаги ғоявий ва услубий яқинлик орқали адабий таъсирнинг гўзал намунасини кўришимиз мумкин. Машраб Насимийнинг «Сигмазам» радифли ғазалига татаббуъ ёзган:

Ажаб Мажнун эрурман дашт ила саҳроға сигмамдур,

³² Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзум. – Тошкент: Шарқ, 2001й. 102- б.

Дилим дарёйи нурдур, мавж уруб дунёга сигмамдур.

Мазкур татаббуъ шеър ишда тўлиқ таҳлил этилган. Машраб Насимий ғояларидан илҳомланди, унинг каби илоҳий ишқ тараннумига бағишланган нодир асарлар яратди. Шунингдек, Машраб ижодида худди Насимий каби махсус ҳуруфнома шеърлар ҳам мавжудки, бу билан шоир ижодининг Насимий шеърятига ҳамоҳангликни яна бир кўринишда давом эттирганлигига гувоҳ бўламиз. Машрабнинг ҳуруфнома характеридаги шеърлари ғазал, мухаммас, мустазод, маснавий жанрларида ёзилган. Машраб ижодида йигирма тўққиз бандлик мухаммас мавжуд бўлиб, ҳар бир банди араб алифбосидаги ҳар бир ҳарфга ва лом алиф бирикмаси таърифига бағишланган. Машраб ҳам худди Насимий сингари Ҳаллож эътиқодига иймон келтириб, унинг номини бир қанча ғазалларида ихлос билан тилга олади. Қолаверса, Ҳаллож, Насимий ва Машраб тақдирида ўхшашлик мавжуд. Ҳаллож қалбида порлаган маърифат ва ҳақиқат Машраб кўнглини ҳам эгаллаб олади, унга хайрихоҳлигини шеърларида ошкора, баралла баён этади. Ҳатто умри охир-оқибатда Мансур тақдиридек яқунланишини олдиндан башорат этади. Айни мазмундаги бир қанча шеърлари диссертацияда таҳлилга тортилган. Шу жиҳатлардан олиб қараганда Машрабни том маънода Насимийнинг ўлмас ғоялари давомчиси сифатида эътироф этиш мумкин.

Бобнинг («Насимий ижоди ва XVIII – XIX асрлар ўзбек шеърятини») иккинчи фаслида Насимий ижоди билан Муҳаммад Ризо Огаҳий, Комил Хоразмий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Фурқат, Зиёвуддин Ҳазиний, Юсуф Сарёмий каби сўз санъаткорларининг шеърлари қиёсий аспектда ўрганилган.

Мумтоз адабиётимиз тарихида ёрқин из қолдирган ижодкорлардан бири – Муҳаммад Ризо Огаҳийдир. Огаҳий ғазалчиликда Насимий, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Мунисларнинг энг сара анъаналарини изчил давом эттирди. Уларнинг мавзу ва ғояларидан илҳомланиб қатор ғазаллар битди. Жумладан, унинг энг машҳур ғазалларидан бири «Устина» радифли ғазалидир. Мазкур ғазал Насимийнинг ғазалига татаббуъ тарзида ёзилган. Мазкур ғазал такомилли босқичларини олима ф.ф.д. И.Адизова³³ ўрганиб, фақат Лутфий ва Ҳусайнийнинг шу радифдаги ғазаллари билан Огаҳийнинг «Устина» ғазалини қиёслайди. Аммо Лутфий ва Ҳусайнийдан олдин Насимий яшаганлигини ва шу радифдаги ғазал битганлигини инобатга олсак, мазкур радифда ғазал битишни Насимий бошлаб берганлиги маълум бўлади. Демак, Насимийнинг мазкур ғазалидан Мавлоно Лутфий ва Ҳусайнийлар ҳам маълум маънода таъсирланиб, айни шу радифда ғазал битган. Бироқ буларда Насимий ғазалининг радифи сақланилган бўлса-да, вазни ўзгарган. Вазн билан боғлиқ тафовутлар ишда кўрсатилган. Насимий ва Огаҳийнинг шу мавзудаги ғазалларининг баҳрлари ва ифода услубида эса бир хилликни кўриш мумкин. Шоирнинг «Устина» радифли ғазали адабиётимиздаги энг

³³Адизова И. «Устина» радифли ғазал такомилли тарихи. Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг ўзбек мумтоз адабиёти ривожига тутган ўрни мавзусидаги республика илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент.2020 й. 20 май. 17-24-бетлар.

машҳур ва ҳатто мактаб дарсликларидан ҳам ўрин олган шеърдир³⁴. Огаҳий Насимийнинг мазкур ғазалига назира боғлар экан, унинг радифи ва баҳрини айнан сақлайди:

Тушмиш муанбар сунбулинг хуршиди тобон устина,

– –V – / – –V – / – –V – / – –V – /

Шул расмила мушкин холинг гулбарги хандон устина .

– –V – / – –V – / – –V – / – –V – /

Ражази мусаммани солимда яратилган. Огаҳий ғазалига эътибор қаратсак:

Мушкин қошинг ҳайъати ул чашми жаллод устина,

– –V – / – –V – / – –V – / – –V – /

Қатлим учун “нас” келтирур «нун» элтибон «сод» устина .

– –V – / – –V – / – –V – / – –V – /

Мазкур ғазалдаги мазмун-моҳият, бадийликдаги ўхшаш ва тафовутларни аниқлаш мақсадида ғазал ишда байтма-байт таҳлил қилинган.

Хулоса, Огаҳий Насимий ғазалидаги вазни, ғояни, бадийликни сақлаб қолган. Аммо ўз дунёқараши ва давр моҳиятидан келиб чиқиб, ижтимоий - сиёсий фикрларни ҳам маълум маънода ғазалда сингдирган. Бу Огаҳийнинг мазкур ғазалдаги наворлигини кўрсатади. XIX аср ижодкорлари орасида мумтоз адабиёт анъаналарини ўз ижодида сингдирган шоирлардан бири Комил Хоразмийдир. У Насимийнинг мукаррар санъати асосида яратган ғазали таъсирида ўзига хос шеър ёзди. Бу ғазал ҳақида Ҳ.Арасли шундай ёзади: «Насимийнинг «мукаррар» деб номланган ғазали ғоят қизиқарлидир. Ғазалдаги биринчи байтда икки, қолган байтларнинг иккинчи мисрасида уч марта такрорланувчи ташбиҳлар ғазалга уйғунлик ва мусиқавийлик бахш этади»³⁵.

Насимийнинг мазкур ғазалидан Комил Хоразмий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз илҳомланиб ғазал яратган. Ушбу шоирлар Насимий ғазалидаги мавзуни, баҳрни, таърифни, мукаррар санъатидан изчил фойдаланишни сақлаб қолганлар. Айтиш мумкинки, бу даврда мумтоз адабиётимизда анъана ва издошлик кенг тус олган. Табиат тасвири, унинг гўзаллигига омухта ҳолда ёрнинг мафтункор жамоли ифодаси ажралиб туради. Айниқса, фасллар келинчаги – баҳорнинг гўзаллигига маъшуқа ҳуснининг ташбеҳ қилиниши Шарқ мумтоз адабиётида ўзига хос анъана даражасига кўтарилган. Насимий ҳам шу анъананинг давомчиси ва айни пайтда уни янгилаган новатор шоир эди. Унинг баҳор таърифи ҳақидаги ғазалидан Фурқат

³⁴ «Устина» радифи ғазалга ҳатто замонавий адабиётда ҳам мухаммас битилган. Масалан, Омон Матжон мухаммаси:

Кўклам эди. Жунбуш келиб ўю, хаёл, ёд устина,

Рухин зиёрат этгали бордим мен устод устина,

Сас берди ул: «Ҳолим забун келдингму имдод устина

Мушкин қошинг ҳайъати ул чашми жаллод устина

Қатлим учун «нас» келтирур «нун» элтибон «сод» устина». (Ёнаётган дарахт. – Тошкент, 1977 й. 34-35-бетлар)

³⁵ Арасли Ҳ. Имомиддин Насимий. – Тошкент: Фан, 1973. – 74 б.

таъсирланиб, мавзу, услуб, оҳангдошликни сақлаб ғазал яратган. Ишда ҳар икки шоирнинг мазкур мавзудаги ғазаллари тўлиқ таҳлилга тортилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб фаолият кўрсатган забардаст шоирлардан Юсуф Сарёмий ва Ҳазинийлар ижодида ҳам Насимийдан илҳомланиш ҳоллари кузатилади. Адабий таъсир асосида яратилган шеърлар ишда тўлиқ таҳлилга тортилади.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида адабиётда талайгина ўзгаришлар кузатилди. Бу даврдаги энг улуғ фожиа – мустақилликнинг қўлдан кетиши, маънавият ва мафкурада ғайри исломий карашларнинг юзага келиши эди. Бу эса айнан Ҳаллож ва Насимийдек хуррият ва инсонсеварликни ҳадди аълосида куйлаган, ўз эътиқоди йўлида жонини қурбон қилган мутасаввифлар талқинига эҳтиёж борлигини кўрсатади. Шунинг учун Мансур Ҳаллож ва Имоиддин Насимий номларининг бот-бот зикр этилиши – маълум маънода мана шундай даврнинг буюк муаммосига ечим сифатида талқин этилган, назаримизда. Чунки айнан шу XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида қўлдан бой берилган озодликни қўмсаш, унга яқинлашиш ва ушбу буюк ғояга мутассил интилиш руҳини кучайтириш адабиётда акс эта бошлади. Қолаверса, бу даврда айнан Насимий таҳаллусли бир эмас, икки шоирнинг майдонга келиши фикримиз далилидир. Насимий таҳаллусида ижод этган шоир Марғилондан бўлиб, шеърлари Имоний Марғилонийнинг баёзида киритилган. Ҳамда «Тазкираи Қайюмий» да айрим мулоҳазалар келтирилган: «Мадрасаи хонақоҳ деган жойда мударрис турур. Ашъорлари мафҳум, мазмундор бадий кучга эга шоирлардандур»³⁶.

Яна бир Насимий таҳаллусли шоир Хўқанддандир. 1866 йилда Хўқанд даҳасида Жувари Каффон маҳалласида майда савдогар оиласида дунёга келган. Шоир ҳақида тазкирада шундай маълумотлар берилади: «Шоирнинг исми Абдуллажон бўлиб, Муҳаммад Солеҳ ўғлидур»³⁷. Тазкирада шоирнинг «Баҳор», «Яшанг», «Андижонлик» радифли ғазалларида парча ва ҳажман йирик мухаммаси тўлиқ келтирилган. Шеърларига эътибор қаратсак, ўғуз лаҳжаси (озар тили)га хос қўшимчаларни ҳам кўриш мумкин:

Сиз учун доим Насимий **ёзмишам** байту ғазал

Шодланиб турмушларингга, эй қадрдонлар, яшанг.

XV асрдан бошлаб шеърий асарларда I шахс бирлик аффикси -мен қисқарган -м шаклида ҳам қўшилган, яъни бармиш-мен тарзидаги шакл ўрнида бармишам тарзидаги шакл қўлланган. Бу даврдаги шеърий асарларда I шахс бирлиги учун асосан шу шакл амалда бўлган³⁸. Бу каби ўғуз лаҳжаси озар, усмонли турк ва қисман туркманларда кенг ишлатилади. Қўқон адабий муҳитида бу лаҳжадан таъсирланиш ҳоллари кўп учрайди.

Демак, XVIII – XIX асрлар ўзбек шеъриятида Насимий ижодининг сезиларди таъсири борлигини эътироф этиш лозим. Насимий таҳаллусли

³⁶ Пўлотжон Домулла Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. – Тошкент., 1998 й. 2-қисм.357-б.

³⁷ Пўлотжон Домулла Қайюмов. Ўша асар. 3-қисм.564-б.

³⁸ Абдурахмонов Ф.Шукуров Ш. Маҳмудов Қ.Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент, 2008 й. 236-б.

икки шоирнинг етишиб чиққанлигини озар халқининг буюк шоири Имодин Насимийга бўлган улкан муҳаббат ва хайрихоҳликнинг ифодаси сифатида белгилаш мумкин.

Бобнинг учинчи фасли «**Насимий ижодиёти: замонавий адабиёт ҳамда адабиётшунослик**» деб номланган. XX аср ўзбек шеърияти ва ҳозирги давр қалам соҳиблари ижодида Насимийдан таъсирланиш ёки унинг номи зикр этилган шеърларни кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан янги ўзбек шеъриятида Насимий билан боғлиқ шеърларни қуйидагича тасниф этиш мумкин:

- 1) Насимий ғояларига ҳамоҳанг яратилган шеърлар;
- 2) Насимий сарлавҳаси асосидаги шеърлар;
- 3) Насимий номи зикр этилган шеърлар.

Маълумки, миллий уйғониш миллатнинг ўзлигини англаш даври бўлиб, бу – адабиётнинг руҳи ва мазмунини ташкил қилди. Миллий уйғониш (жадид) адабиёти XIX аср охирларида юзага келган ҳаракат ғояларининг адабий-бадиий ифодаси эди. Бу даврнинг чинакам, фидойи фарзандлари қаторида Абдурауф Фитрат ва Абдулҳамид Чўлпон номини айтиш лозим. Бу шоирлар ижодида эркак, ҳурриятга ташналик очиқ-ойдин қаламга олинади. Чўлпоннинг «Эркинлик истаги», «Кўнгил» каби шеърлари шулар жумласидандир. Чўлпон шеъриятида ишқ куйланган шеърлар ҳам борки, улар Насимий шеърлари билан ҳамоҳангдир. Ишда шундай шеърлар ўзаро қиёсланиб, таҳлилга тортилган.

Иккинчи тасниф характеридаги, яъни Насимий сарлавҳаси остида ёзилган шеърлар салмоқ жиҳатдан унча кўп эмас. Бунга мисол тариқасида шоира Нодира Афоқованинг ҳажман йирик «Насимий» шеърини келтириш мумкин. Шоиранинг «Насимий» шеъри ўзига хос оҳанг билан битилган. Шеърдаги анъанавий тасвир воситаларида, фикрлар ифодасида мумтоз адабиётга хос жиҳатлар кўзга ташланади. Мисраларда Насимий ҳаётида тегишли жиҳатлар бирма-бир келтирилган, яъни шоир тақдиридаги фожиавий ҳолат ифодаланади. Мазкур шеър таҳлили ишда ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, замонавий шеъриятда Насимий номи зикр этилган шеърлар анчагина салмоқлидир. Ҳатто XX асрда яратилган айрим дostonларда ҳам Насимий номи ва унинг тақдирига ишоралар мавжуд. Масалан, Эркин Воҳидовнинг «Рухлар исёни» ва Асқар Қосимовнинг «Обида» дostonларида Насимий ва унга ёнма-ён тарзда Мансур Ҳаллож номи тилга олинган. Мазкур дostonларда Насимийнинг буюк жасорат соҳиби эканлиги билан бирга, унинг эрк куйчиси эканлигига урғу берилади. Айни масала билан боғлиқ байтлар ишда таҳлил этилади. Замонавий адабиётдаги талайгина шеърларда ҳам Насимий номига ва тақдирига ишора қилинган ўринлар мавжуд. Шундай шеърлар сирасига Усмон Кўчқорнинг «Даҳриёна», Сирожиддин Саййид, Амир Худойберди шеърларини киритиш мумкин. Масалан, Амир Худойбердининг қуйидаги мисраларига эътибор қаратсак:

Бир шароб берди – шароби антахур – Мансур ила
Қошимға келгай Насимий ёнида Машраб бобо.

Ғазал жанрида яратилган бу шеър рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилган. Шоир тасаввуф шайхларининг номини талмеҳ қилиш билан биргаликда мумтоз калималардан шароб, шароби антахур кабилардан ҳам фойдаланган. Ғазалнинг кейинги байтларида шоир аналҳақ билан боғлиқ фикрларга диққат қаратган. Амир Худойбердининг яна бир қанча шеърларида Насимий ва унинг маслакдошлари билан боғлиқ мулоҳазалар келтириб ўтилган. Айни мисоллар замонавий адабиётда ҳам Насимий номи ва маслаги, ғояси ва тақдири кенг қаламга олинганлигини кўрсатади Бу эса, улуғ шоир ижоди барча туркий қавмлар, жумладан, ўзбек халқи учун нечоғлиқ аҳамиятли, эътиборли эканлигини кўрсатувчи далилдир.

Адабиётшуносликда бирор шоир ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда, албатта, асарларининг нашрлари ва таржималари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ишда Насимий асарларининг нашрлари ва таржималари билан боғлиқ мулоҳазалар ҳам берилган.

ХУЛОСА

1. Дунё бадиий тафаккуридан яхши маълумки, ҳеч бир халқ ёки миллат адабиёти ўз ҳолича шаклланиб, тараққий топмайди. Ҳар бир адабиётнинг ривожланиши унинг у ёки бу адабиётга муносабати ўзаро таъсир ҳамда адабий эстетик алоқалар билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун туркий тилда ижод қилган шоир ёки ёзувчиларнинг меросидан баҳс юритилганда, албатта, араб ёки форс-тожик адабиётига ҳам диққат қилинади. Буни «ташқи» бир алоқа майдони десак, туркий халқлар адабиётининг ўзаро боғлиқлиги эса алоҳида диққатга молик бир жараён дир. Шу нуқтаи назардан қаралганда буюк Озарбайжон шоири ва ҳуруфийлик сулукининг пешволаридан бири Имоиддин Насимийнинг ўзбек шоирлари ижодиётига таъсири алоҳида аҳамиятга молик дир. Халқимизнинг Насимий давридан то бугунгача шоир тақдири ва шеърятига қизиқиб келганлиги ҳам тасодифий ҳодиса эмас.

2. Маълумки, ҳуруфийлик тариқи дунё сир-асрорларини араб ҳарфларининг ботиний маънолари орқали англаш ғоясини тарғиб ва ташвиқ қилган. Ҳуруфийликнинг илмий тадқиқи Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларининг тарихи, маданияти ва адабиётини ўрганиш учун муҳим дир. Мураккаб ва серқирра таълимот бўлганлиги боис у тасаввуфшунос, тарихчи, адабиётшунос, ҳамда тилшунослар томонидан текширилган ва ўрганилмоқда. Тасаввуфдаги бир қатор тариқатларга ўхшаб ҳуруфийлик нафс тарбияси, гўзал ахлоқ, қалб тафсияси ва айниқса, илоҳий ишқ жозибасига кенг эътибор қаратган. Лекин у араб алифбосидаги ҳарфларни муқаддас билиб, шу ҳарфлар орқали Аллоҳни, оламни ва одамни билиш мумкинлигини тарғиб қилганликлари билан ажралиб туради. Демак, Насимий ижоди ва ҳуруфийлик тариқатини ўрганиш адабиётдаги ғоявий-бадиий ўзгариш ва янгиланишларни пухта англашни ҳам тақозо этади.

3. Насимийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига тегишли маълумотлар муфассал ҳолда етиб келмаган бўлса-да, таржимаи ҳолига тегишли муҳим маълумот ва далиллар айрим тазкира ва илмий-тарихий манбалар орқали етиб келганлигини кўриш мумкин. Шоир ижоди ўз давридаёқ ўрганилиб,

шеърларига назира, тахмис, жавобиялар ёзила бошланган. Насимий истеъдодли шоир бўлиб, уч тилда (озар, форс, араб) қалам тебратган. Унинг озарий ва форсий тилда битилган шеърлари табиийлиги, самимий ва рангдор тасвирлари билан ажралиб туради. Насимий фикр-ўйлари, туйғу ва хаёлларини халқона, содда услубда баён қилганлиги боис унинг шеърлари кўнгилга яқин ҳамда илҳомбахш. Оташнафас шоир шеърлари бир қарашда оддий, содда бўлиб кўринса-да, лекин мазмунан теран ва бадий бўёқдордир. Шу маънода, хуруфийлик тариқати ғояларининг халқ оммаси орасига тарқалишига ҳам Насимий ижоди муҳим аҳамият касб этган дейилса, хато бўлмайди. Хуруфийларнинг, айниқса, инсонни илоҳийлаштириши, одам юзининг мусҳафга қиёсланганлиги, ҳарфнинг ботиний маъноларидан турлитуман мазмун чиқарилиши Насимийни ниҳоятда руҳлантирган.

4. Тасаввуфда илоҳий ишқдан сармаст ошиқлар алоҳида мавқе эгаллайди. Чунки ишқ бутун оламнинг асоси ва уни ҳаракатлантирувчи руҳоний куч ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Ҳаллож ва Насимий йўли бир-бирига тутшиб, уйғунлик ҳосил қилган. Шунини таъкидлаш жоизки, Насимий хуруфийлик тариқатини қабул қилгандан кейин ҳам, Мансур Ҳалложга бўлган улуғ садоқатидан қайтмаган. Унинг номи ва маслагига дахлдор масалаларни бот-бот қаламга олган. Демак, Насимий ижодида Мансур Ҳаллож тимсоли алоҳида мавқе эгаллар экан, бу асосан тавҳид, тажалли, «Анал ҳақ» ва инсон хурриятини шарафлаш билан боғлиқ ҳолатларда ёрқин кўзга ташланади.

5. Насимий ижоди барча замонларда озар, усмонли турк, туркман халқлари учун хос бир илҳом манбаи бўлиб келган. Айниқса, Жаҳоншоҳ Ҳақиқий, Фузулий, турк шоирларидан Ривоний, Караманли Низомий, Қул Насимий, туркман шоирларидан Андалиб, Маҳтумқули кабилар ижодида Насимий адабий меросидан ижодий таъсирланиш мавжудлигини қайд этиш жоиз.

6. Насимийнинг ўзбек адабиётига таъсири масаласига келсак, энг аввало, ушбу ҳодиса халқ оғзаки ижодида, хусусан, «Якка Аҳмад», «Гўрўғлининг туғулиши», «Кунтуғмиш» дostonларида тазаҳхур этган эди.

7. Насимий вафотидан кўп ўтмай, яъни XV асрдан бошлаб, ўзбек адабиёти янги босқичга кўтарилди. Унда мавзулар олами кенгайиб, янги-янги тимсоллар ва ғоялар кириб кела бошлади. Ўзбек адабиёти билан бошқа халқлар бадий ижодидаги муносабат ва алоқаларлар кучайди. Натижасида ўзбек шоирлари форс, озарбайжон адабиётининг йирик намояндalари ижодига янада кўпроқ эътибор қаратиб, уларнинг асарларидан ҳам илҳомландилар. Айниқса, Насимий ва унинг маслаги XV асрнинг биринчи ярми шоирлари ижодига сезиларли таъсир ўтказди. Буни Ҳофиз Хоразмий ва Мавлоно Лутфий шеърлятида нисбатан кенроқ кузатиш мумкин. Бунда образ ва тимсоллардаги яқинлик, бадий тасвирлардаги ўхшаш жиҳатлар ҳар иккала иждокор асарларининг ишқий-ирфоний, адабий-тарихий манбаларининг бирлигидан далолат беради. Мумтоз адабиётда маълум бир ҳақиқат ва маъноларни талқин этишда шоирлар араб ҳарфларига ҳам

таянишган. Бу, албатта, ҳарфларга рамзий-мажозий маъни юклаш билан амалга оширилган ва аста-секин ўзига хос ифода ва тасвир анъанага айланган. Аммо бу ўринда араб ҳарфлари орқали ҳарфий санъатлар юзага келтирилганлигини ҳам эътибордан соқит этмаслик лозим. XIV асрда ўртага чиққан ҳуруфийлик тариқати эса арабий ҳарфларни муқаддас билиб, уларнинг илоҳий-ирфоний маъноларини кашф айлаган. Бу икки жараён ҳам бевосита шеъриятда намоён бўлди. Насимий дунёқараши ва ижодий тажрибалари ҳуруфийликнинг ўзбек мумтоз адабиётига кириб келиш бош сабабларидан бири эди.

8. Улуғ санъаткор Алишер Навоий араб ҳарфларининг илоҳий-ирфоний моҳиятини очишда туркий шеъриятда эришилган ғоявий-бадий анъаналарига қатъий таянди. Ўз салафлари Лутфий, Атоий, Саккокий каби истеъдод соҳибларининг маҳорат мактабидан сабоқ олди. Ҳарф рамзларини тасвирлашда уларга монанд ғазал ва байтлар яратди. Бу тасвирларда Навоий ўзига хос ижод йўлидан бориб, ҳуруфийлик йўлида маълум ютуқларга эришди. Унинг ижодида деярли барча араб алифбосидаги ҳарфлар татбиқи кўзга ташланади. Аммо энг кўп қўлланилгани мушоҳада юритилганлиги Алиф ва дол ҳарфидир. Бундан ташқари, Навоий Насимийнинг инсон юзини мусхафга ўхшатган ўринлардан ҳам илҳомланганлиги ғазалларда тез-тез учрайди.

Насимий ва Навоий ижодида тасаввуфнинг айрим, масалан, меърож талқини, тавҳид ифодаси, кўнгил таърифи каби масалаларини ёритишда ўхшашлик ва айна дамда ўзига хосликлар кузатилади. Жумладан, ҳар бир назарда тутилган мақсадга Насимий очиқ ва аниқ мурожаат этса, Навоийда эса гоҳ ошкор, баъзан ишора тарзда ёритилган. Навоийнинг «Хамса» достони ҳамда насрий асарларида Насимийдан илҳомланиш, унинг ижодига алоҳида эҳтиром билан қараш сезилади. Шоир шеъриятида Насимий ғояларига ҳамоҳанг байтлар битган бўлса, насрий асарларида унинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ мулоҳазалар билдириб, адабий меросига юксак баҳо берди.

9. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоий ижодининг катта мухлиси бўлиши билан бирга, бадий ижоддаги унинг энг содиқ издоши ҳамдир. Шоир Шарқ мумтоз адабиёти анъаналарининг давомчиси сифатида араб ҳарфларининг шаклий кўринишларини инobatга олган ҳолда, асосан, навоийёна мисра ва байтлар яратган. Бобурнинг замондоши шайбонийлар салтанатининг ҳукмдори ва шоир Убайдий ижодида эса Аҳмад Яссавий, Насимий ва Навоий каби улуғ салафларнинг таъсири кузатилади. У инсонга хос ноёб ва олий ҳис-туйғуларни ҳарфлар ва қуръоний оятлар орқали ифодалашга уринган. Буларга ишга тўхтаб ўтилган.

10. Насимий ижодининг ўзбек мумтоз адабиётига таъсиридан баҳс юритилганда ҳурриятсевар шоир шоҳ Машраб шеъриятига алоҳида тўхталиш лозим. Алишер Навоий юз эллик йилдан кейин Ҳалложнинг нури Аттор руҳига тажалли қилди деганидек, Насимийнинг руҳи ҳам Машрабда уйғонган эди. Чунки унинг ижодида Насимийдан таъсирланиш, унинг сайри сулукидан илҳомланиш юксак босқичга кўтарилганди. У турли жанрларда

Насимийга жавобия шеърлар ёзган эди. Демак, Машрабни Насимий ғояларининг фаол давомчиси сифатида эътироф этиш тўғри бўлади.

11. XVIII – XIX асрларга келиб, Насимий шахси ва шеърятининг ихлосмандлари сафи янада кўпайди. Хоразм адабий муҳитининг улкан вакили Огаҳий Насимийнинг «Устина» радифли ғазалига назира ёзар экан, салафи ғазалидаги маъно, оҳанг, вазн, қофияни сақлаб қолган. Аммо у давр ва замон талабини инобатга олиб, ғазални ижтимоий - сиёсий фикрлар билан ҳам бойитишга эришган. Яна бир хоразмлик шоир Комил Хоразмий учун ҳам Насимий ижоди илҳом ва таъсир манбаси бўлган эди. У Насимийнинг мукаррар санъати асосида яратилган ғазалига татаббуъ ёзди. Унда шоир мавзу, ҳажм, вазн, тасвир усули доирасидан четга чиқмаган эди. Қўқон адабий муҳитига мансуб шоирларнинг Насимийга эътимоди ҳам юқори бўлган. Масалан, Фурқат лирикасида ҳам Насимийнинг баҳор таърифидаги ғазалидан илҳомланиб яратилган бир неча шеъри мавжуд. Улардан бири «Фасли навбаҳор ўлди... » матлаъи билан бошланадиган ғазалдир. Унда Насимий шеъридаги некбин руҳ ва ҳаётсеварлик ҳолати деярли тўлиқ сақланган. Фурқат, Сарёмий ва Ҳазинийлардан кейин Қўқон адабий муҳитида иккита Насимий таҳаллусли шоирнинг яшаб ижод қилиши Насимийга бўлган улкан меҳр-муҳаббатнинг ўзига хос далили бўла олади. Қолаверса, Насимий ижодиётига қизиқиш ва уни тарғибу ташвиқ қилиш XX асрда икки йўналишда давом этди. Биринчиси, шоир шеърларини ўзбекчалаштириш, иккинчиси эса, унинг бадиий образини яратишдан иборат бўлди. Ишда айна масала зарур даражада ёритиб берилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/04.06.2021.Fil.72.09 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

На правах рукописи
УДК: 821.512.162.07:821.512.133

АМОНОВА ЗИЛОЛА КОДИРОВНА

ВЛИЯНИЕ ТВОРЧЕСТВА НАСИМИ НА УЗБЕКСКУЮ ЛИТЕРАТУРУ

10.00.02 – Узбекская литература

АВТОРЕФЕРАТ

докторской диссертации доктора (DSc) филологических наук

Бухара – 2021

Доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Амонова Зилола Қодировна

Насимий ижодининг ўзбек адабиётига таъсири.....3

Амонова Зилола Кадиловна

Влияние творчества Насими на узбекскую литературу.....

Amonova Zilola Qodirovna

The influence of Nasimi`s work on Uzbek literature.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....71

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована под номером B2020.1.DSc/Fil102 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) выложен на веб-странице Бухарского государственного университета www.buxdu.uz и на Информационном образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz)

Научный руководитель: **Хаккулов Иброхим Чориевич**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Сулаймонов Исроил Исомиддинович**
доктор филологических наук, доцент

Болтабоев Хамидулла Убайдуллаевич
доктор филологических наук, профессор

Жабборов Нурбой Абдухакимович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: **Урганчский Государственный Университет**

Защита диссертации состоится “ _____ ” 2021 года в “ _____ ” часов на собрании Научного совета DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 по присуждению научных степеней при Бухарском государственном университете, (Адрес: 200118, город Бухара, Ул.Мухаммад Икбол, 11. Тел: (0365) 221-29-14, факс (0365) 221-27-57; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована под номером _____). (Адрес: 200118, город Бухара, ул.Мухаммад Икбол, 11. Тел: (0365) 221-29-14, факс (0365) 221-27-57; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Автореферат диссертации разослан “ _____ ” _____ 2020 года

(Протокол реестра № _____ от “ _____ ” _____ 2020 года).

Д.Ражабов
Председатель Научного совета по
присуждению научных
степеней, д.ф.н., доц.

Г.Тоирова
Секретарь Научного совета по
присуждению научных
степеней, к.ф.н (PhD), доц.

Г.Муродов
Председатель научного семинара
при Научном совете по
присуждению научных
степеней, д.ф.н., проф.

Введение (аннотация диссертации доктора филологии (DSc)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировом литературоведении роль хуруфизма, трактующего явления мира на основе веры в божественность и святость арабских букв, его место в художественном творчестве, история формирования, источники, поэтические особенности, эволюция, мастерство поэтов, внесших свой вклад в завоевание им мирового признания всегда были одними из важных вопросов. Данный аспект играет важную роль в обосновании того, что основой развития поэтического мышления народов мира является интерпретация художественно-философского отношения человека к миру, места литературной связи и влияния в миграции эстетических опытов как традиции, достигнутых конкретным автором.

Исследование первоочередных задач раскрытия художественно-эстетических закономерностей миграции поэтических традиций в мировой литературной науке служит созданию совершенной истории литературоведения. В частности, в узбекском литературоведении на основе сравнительно-типологического изучения символично-образного выражения высоких человеческих идей в контексте мировой литературы особое значение придается освоению нашими авторами критериев восточной литературы, тюркской поэзии, их поэтическому обновлению, а также освещению поэтического совершенствования хуруфизма, религиозно-мистического, просветительско-воспитательного содержания, композиционных и лингвопоэтических особенностей произведений поэтов, воспевавших его в каждый отдельно взятый период. В годы независимости в узбекском литературоведении уделяется особое внимание изучению и исследованию классических источников. Ведь необходимо "... восстановить древнюю историю и богатую культуру нашего народа, всесторонне глубоко изучить и пропагандировать научное, религиозное и духовное наследие наших великих ученых и святых, благоустроить их святыни, воспитать подрастающее поколение в духе их благородных традиций"³⁹. В этом смысле созданы благоприятные условия для сравнительного подхода к анализу и интерпретации нашего духовного наследия с точки зрения литературной связи и литературного влияния.

Учитывая то, что во всех сферах культуры нашего народа нашли свое отражение аспекты литературной связи и влияния, освещение влияния творчества Имоиддина Насими на узбекскую литературу многих тюркских народов, в том числе по сегодняшний день, служит выявлению социально-исторических, жизненных и духовных основ, художественно-эстетических закономерностей нашей поэзии. Идеи хуруфизма нашли отражение в

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори // «Халқ сўзи». – Тошкент, 2017, 25 май.

узбекском фольклоре и узбекской литературе XV-XX веков, где ярко ощущается влияние творчества Насими.

Выяснение особенностей данного литературного влияния, как специфического художественно-эстетического явления, дает важные выводы для обоснования роли литературного влияния в поэтическом развитии узбекской поэзии, внедрения и дальнейшего художественного совершенствования через него новых мотивов, образов и художественных искусств.

Данное диссертационное исследование в определенной степени окажет практическое содействие выполнению задач, отраженных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка от 21 октября 2019 года, № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-1292 «Об организации фонда "Ижод" при Союзе писателей Узбекистана» от 26 февраля 2010 года, №ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, № ПП-3271 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 13 сентября 2017 года, а также Постановлении №222 Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении государственной программы по охране объектов нематериального культурного наследия, сохранению, пропаганде и их использованию в 2010—2020 годы» от 7 октября 2010 года и в других нормативно-правовых документах имеющих отношение к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления программы развития науки и технологий республики I. «Социально-правовое, экономическое, культурное, духовно-просветительское развитие информатизированного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики».

Комментарий к международным научным исследованиям по теме диссертации⁴⁰.

В мировом литературоведении получены следующие научные результаты по изучению жизни, творчества и сферы литературного влияния Насими: обоснованы жизнь и творчество Насими, его философские взгляды, верования, тарикат которому следовал, последователи, сферы влияния его творчества (Азербайджанский государственный университет, Анкара

⁴⁰ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.researchgate.net, <http://www.iranicaonline>, <https://www.thefreelibrary.com>, <http://www.visions.az>, <https://en.calameo.com>, <https://vestnikkavkaza.net>, <https://cibg.org.au>, <https://www.commonspace.eu>, <https://www.azernews.az>, <https://amazoniainvestiga>.

Стамбульский университет); турикат хуруфизма и творчество Насими (Лондонский, Ереванский, Иранские университеты), освещены художественно-эстетические особенности его творчества (Санкт-Петербургский институт восточных рукописей, Московский, Казанский университеты, Россия); особенности творчества Насими (Туркменистан); освещены некоторые аспекты, связанные с творчеством и переводами Насими (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора при АН РУз).

Степень изученности проблемы. В мировом литературоведении достойны внимания научные исследования таких ученых как С.Мумтоз, Х.Арасли, Л.Хусайнзода, М.Гулизода, С.Шихиева, З.Кулизода, М.Сеидов, Ҳ.Арасли, М.Ибрагимов, Г.Абдулбоки, Ф.Усулер, А.Шиммельхоним, Э.Браун, Кл.Хьюар, Х.Риттер⁴¹.

В русском литературоведении изучение и популяризация творчества Насими стоит отметить работы Л.Климовича, А.Шарифа, Ф.С.Бабичева, А.Кудрыцкого⁴².

Несмотря на то, что в узбекском литературоведении изучался вопрос о формировании и влиянии тариката хуруфизма на художественное творчество⁴³, влияние творчества Насими на узбекскую литературу специально не исследовалось. Уместно привести мнение известного азербайджанского ученого З. Кулизаде: "Влияние Насими и хуруфизма на узбекскую литературу должно быть доказано на основе точных аргументов. А такие факты безоговорочно присутствуют в узбекской литературе"⁴⁴. Низами и узбекская литература, Фузули и узбекская классическая поэзия являются одними из самых интересных и последовательно исследуемых тем

⁴¹ Салмон Мумтоз. Сайид Имоиддин Насимий. Озарбайжон адабиёти серияси. – Баку. 1926; Сеидов М. Из истории азербайджано-армянских литературных связей. – Ереван, 1960; Азербайжан эдэбијјаты тарихи. – Баку, 1960. – 589 с.; Сеидов М. Роль Насими в истории азербайджано-армянских литературных взаимосвязей. Сборник статей о Насими. – Баку, 1971; Кули-заде З.А. Насими – философ и поэт Востока. – Баку, 1973; Арасли Ҳ. Имоиддин Насимий (Ҳаёти ва ижоди). Суййима Ганиева таржимаси. – Тошкент: Фан, 1973; Ибрагимов М. Великий азербайджанский поэт Насими. Литературный азербайджан. – Баку. 1973; Ибрагимов М. Насими и его время. Сборник статей Насими. – Баку, 1973; Шихиева С. Лирика Насими: Автореф. к.ф.н. – Баку, 1991; Gölpinarli Abdülbâki. Hurufilik metinlari katalogi. – Ankara, 1973; Usluer Fatih. Hurufilik. – Istanbul, 2009; Schimmel Annemarie. Islamin mistik boyutlari. – Istanbul, 2004. – S. 436. Э. Браун, Гибб, Кл. Хьюар, Ҳ. Риттер кабиларнинг изланишлари хақида куйидаги монографияда батафсил берилган: Кули-заде З. Хуруфизм и его представители в Азербайджане. – Баку, 1970. – 265-б.

⁴² Люциан Климович. Хрестоматия по литературе народов СССР: Литература: азербайджанская, таджикская, узбекская, туркменская, казахская, киргизская. Для высших учеб. заведений. – Государственное учебно-педагогическое издательство Министерства Просвещения, 1959. – 830 с.; Азиз Шариф. Великий еретик (К 600-летию со дня рождения Сеид Имадеддина Насими) // Издательство Академии наук СССР : журнал «Народы Азии и Африки». – 1974. – № 1. – С. 137-142; Федор Семенович Бабичев, Анатолий Викторович Кудрыцкий. Украинский советский энциклопедический словарь. – Глав. ред. Укр. Сов. энциклопедии, 1988. – 920с.

⁴³ Э.Рустамов. «Узбекские поэты XV века и хуруфизм». – «Народы Азии и Африки» – 1963. – №4. – С.130-135; Насимий. Асарлар. Шеърлий тўпламига кириш сўз. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – Б.5-15; Насимий. Озарбайжон тилидан Эргаш Очил таржимаси. Шеърлий тўпламига кириш сўз. – Т.: Мовароуннахр, 2018. – Б.3-7; Амонова З.К. Хуруфийлик ва XIV-XIX асрлар ўзбек мумтоз адабиёти: Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Самарканд, 2012.

⁴⁴ Бу ҳақда қаранг: Кули-заде З. Хуруфизм и его представители в Азербайджане. – Баку, 1970. – 193-б.

в нашем литературоведении. Достойны внимания и труды ученых двух народов – азербайджанских и узбекских. На наш взгляд, тема Насими и узбекской литературы должна быть поднята на такой высокий уровень.

В процессе написания диссертации были приняты во внимание научные исследования вышеказанных и ряда других узбекских и мировых литературоведов. В нашем исследовании, в отличие от работ, выполненных в этом направлении, монографически исследованы оценка места и положения творчества Насими в тюркской литературе, влияние на творчество авторов первой половины XV века, лирику Алишера Наваи и узбекскую поэзию периода после XV века, тематика и мир образов, ритмико-композиционная структура, лингвопоэтические функции произведений, основанных на интерпретации хуруфизма.

Соответствие диссертационного исследования плану научно-исследовательских работ высшего учебного заведения. Диссертация выполнена в рамках научно-исследовательского направления “Актуальные проблемы филологических наук” в соответствии с планом научно-исследовательских работ Бухарского государственного университета рассчитанного на 2017-2021 годы.

Целью исследования является выявление особенностей традиционного мотива, образа, стиля выражения, поэтических трансформационных процессов путем историко-хронологического, сравнительно-типологического обоснования и с точки зрения литературной связи и влияния поэзии Насими на творчество узбекских поэтов.

Задачи исследования:

